ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙВАЎРТАМАХСУСТАЪЛИМВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТДАВЛАТИҚТИСОДИЁТУНИВЕРСИТЕТИ



САФАРОВ Б.Ж.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ХУЛҚ-АТВОРИ

Ўқув қўлланма

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 5230400 – «Маркетинг» (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

ТОШКЕНТ–IQTISODIYOT – 2020

© TDIU_ARM

UO‘K: 338.27.2
KBK:65.23 (075)

Сафаров Б.Ж. «Истеъмолчилар хулқ-атвори»: Ўқув қўлланма. – Т.:“IQTISODIYOT”, 2020. – 164 б.

Ушбу ўқув қўлланмада истеъмолчи хулқ-атвори фан сифатида, бозорни сегментлаштириш ва демографик таҳлил, глобал истеъмол бозорлари: структураси ва стратегиялари, истеъмолчи томонидан қарор қабул қилиш жараёни, эҳтиёжларни англаш ва излаш, харид олдидан вариантларни баҳолаш, харид қилиш ва қарор қабул қилиш, истеъмол, эҳтиёжларни қондирилиши, фойдаланилган маҳсулотлардан озод бўлиш, индивидуал фарқлар, истеъмолчи хулқ-атворидаги психологик жараёнлар, атроф муҳит таъсири, маркетинг стратегияси ва маънавий маъсулият каби долзарб мавзулар бартафсил баён этилган.

Ўқув қўлланма 5230400 – «Маркетинг» (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Профессор Эргашходжаева Ш.Ж. таҳрири остида

Такризчилар:

Самадов А.Н. – ТДИУ «Маркетинг» кафедраси доценти.

Муратов Р.С. – ТДИУ «Инфратузилмани ривожлантириш ва логистика» кафедраси доценти.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил “4” октябрдаги “892” - сонли буйругигамувофиқ нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6364-5-3

UO‘K: 338.27.2
KBK: 65.23 (075)

© «IQTISODIYOT», 2020.
© Сафаров Б.Ж., 2020.

КИРИШ

Истеъмолчи хулқ-атворини ўрганиш фақат тижорат корхоналарига эмас, балки давлат миқёсида хам катта ахамиятга эгадир. Корхона рахбарлари ўз ривожланиш стратегияларини ривожлантиришлари учун истеъмолчи хулқ-атворини билишлари зарурдир. Жумладан, мухим вазифалардан бири корхона томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар биринчи навбатда йўналтириладиган сегментлар (истеъмолчилар гурухи) аниқланиши лозим.

Истеъмолчи хулқ-атвори - махсулотлар, хизматларни олиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишга бевосита йўналтирилган фаолият хисобланади. Бу фаолиятга махсулотлар, хизматларни олиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишдан олдин ва кейин юзага келувчи қарорларни қабул қилиш жараёнлари хам киради.

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев олий таълим тизимида ислоҳотлар тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир”.[1]

Маркетинг - истеъмолчилар муаммоларини англаш ва бозор фаолиятини тартибга солишнинг тартибга солинган ва мақсадга йўналтирилган жараён ҳисобланади. Турли хил мулк шаклидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш сотиш фаолияти маркетинг режаси билан ўзаро якиндан боғланган бўлиши керак. Шунинг учун, хорижий тажриба кўрсатишича, кўпгина кичик ва ўрта корхоналарда сотиш бўйича бошқарувчи амалда маркетинг бўйича бошқарувчи бўлади. Бундай ташкилий тузилма энг мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бу ҳолда сотиш фаолиятининг маркетинг ва корхонанинг бошқа хўжалик хизматлари билан ўзаро чуқур интеграциялашуви ва яқиндан жипслашиб кетиши содир бўлади.

Маркетинг концепцияси бозорда корхонанинг умумий ютуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан унинг фаолиятининг барча соҳаларида қарорлар

[1] Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 январь, № 271-272 (7229-7230)

қабул қилишини кўзда тутади. Бу ҳолат ташкилий, бошқарув ва сотиш ишларининг хар хил турларида ўз аксини топиши керак.

Истеъмолчи хулқ-атворини истеъмолчига таъсир этиш, янги тадқиқотлар олиб бориш, маданиятлараро истиқболни белгилаш каби кетма-кетликда ўрганиш мумкин. Истеъмолчини хабардор қилиш, алдаш ва бошқасуистеъмол қилишларни, бошқаамал қилувчи суд химоясини қўллашни хамда компенсация олиш имкониятини кўзда тутади.

Истеъмолчининг хаётида фойдали булиши мумкин бўлган ахборот дастурлари, мотивация ва хулқ-атвор буйича илмий тадқиқотларга асосланиши лозим. хар қандай истеъмолчининг бир неча вариантдан англаб етилган ва эркин танлаш хуқуқи эркин тадбиркорлик иқтисодиётининг асоси хисобланади. Ушбу хуқуқ бизнесдаги суистеъмол қилишлар натижасида бузилганда, хукумат монополиялар хуқуқини чеклаши ва адолатсиз савдодаги кўзбўямачиликларни олдини олиши лозим. Истеъмолчилар хуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқишда кўпроқ илмий изланишларга эътибор берилса, истеъмолчиларнинг химояланишини янада ошишига эришилади.

Ушбу ўқув қўлланма олий таълимнинг 230000 «Иқтисод» соҳасидаги 5230400 – «Маркетинг» (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши учун талабалари учун мўлжалланган.

@IDU_ARM

1-БОБ. ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ХУЛҚ АТВОРИ ФАН СИФАТИДА

1. Истеъмолчилар хулқ – атвори фанининг мазмуни ва моҳияти

2. Истеъмолчи хулқ - атвори фанининг асосий вазифалари

3. Истеъмолчилар хулқ-атвори ва мотивациясини тушуниш

4. Истеъмолчи хулқ - атвори ва маҳсулот қимматдорлиги

5. Истеъмолчи хулқ - атворини ўрганишда қўлланиладиган усул ва услублар

6. Ўзбекистон Республикасида истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари

1. Истеъмолчилар хулқ – атвори фанининг мазмуни ва моҳияти

Истеъмолчилар хулқ - атвори нисбатан ёш фанлардан бири ҳисобланади. Ушбу фаннинг асосчиси бўлиб, “Истеъмолчилар хулқ-атвори” дарслигининг муаллифи Джеймс Ф. Энджел ҳисобланади. Джеймс Ф. Энджел истеъмолчиларни тадқиқ этишни XX асрнинг 60-йилларида бошлаган. 1968 йилда дунёда “Истеъмолчилар хулқ-атвори” фани бўйича биринчи дарслик нашр этилди.

Маркетинг, иқтисодиёт, психология фанларининг туташган жойида юзага келган “Истеъмолчилар хулқ-атвори” фани кўплаб билим соҳаларидан кўп миқдордаги методларни ўзига қамраб олди.

Сўнги йилларда “Истеъмолчилар хулқ-атвори” фани бўйича кўплаб адабиётлар нашр этилди. Мазкур фан ривожланган мамлакатлардаги барча олий ўқув юртларида ўрганилмоқда.

“Истеъмолчилар хулқ-атвори” фанининг ривожланишига маркетинг ва бир қатор хулқ-атвор фанлари, биринчи навбатда психология катта таъсир кўрсатган.

“Бу фан нима учун керак” деган савол “Истеъмолчилар хулқ-атвори” фанини “Маркетинг” фанидан фарқлантирувчи асосий ҳолатни белгилаб беради.

“Маркетинг” фани корхонанинг бозорда яшаб қолиш имкониятини ошириш мақсадида юзага келган. Классик талқинда “Маркетинг” фани товар ва хизматларни сотиш заруриятидан келиб чиқиб, бунда истеъмолчига маҳсулотни тиқиштиришга асосий эътибор қаратилади.

Бироқ XX асрнинг 50-йилларида бозорда барқарор муваффақиятга эришиш учун инсонни фақатгина товарни сотиб олишга ундашгина эмас, балки уни товарни сотиб олишга яна мажбур қилиш, яъни уни доимий мижозга айлантириш масаласи аниқ ва равшан бўлди. Ушбу вазиятда битта муаммо пайдо бўлди. Мутахассислар истеъмолчиларга таъсир ўтказишда у ёки бу методни қўллаш қандай оқибатларга олиб келишини ўрганиб олишди. Бироқ, биринчи ва такрорий харид қилиш ёки харид қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш механизмини ўрганиш муаммо бўлиб қолди.

Тадқиқотчилар ўз олдиларига қандай мураккаб вазифани қўйганликларини тушуниш учун харидор ўзига-ўзи савол бериши лозим: Нима учун мен доимо А маркасидаги тиш ювиш пастасидан, Б маркасидаги резина сақичдан ва С маркасидаги кир ювиш кукунидан фойдаланаман?. Харидорнинг “Чунки менга бу марка ёқади” деган жавоби етарли бўлмайди, чунки мазкур жавоб жуда субъектив ва мавхум бўлиб ҳисобланади.

Мазкур марканинг нима учун харидорга ёқишини аниқлаштириш зарур. Харидорнинг ушбу маркага ўрганиб қолганлиги, мазкур марка билан яхши тассуротлар боғланганлиги ёки унинг барча дўстлари хам ушбу маркадан фойдаланишлиги, харидорга маҳсулот нархининг тўғри келиши ёки харидорнинг хеч қандай севимли маркаси йўқлиги ва у маҳсулотлардан навбатма-навбат фойдаланишини аниқлаш лозим.

У ёки бу маркани танлашда харидорни қандай механизмлар харакатга келтиришини ўрганишни тасаввур қилиш мураккаб масала ҳисобланади. Маркетинг эҳтиёжлари учун хулқ-атвор фанларининг кенг воситалари жалб қилинганда ушбу масалани ечишга биринчи қадам қўйилди. Шундай қилиб, тадқиқотларнинг фанлараро янги йўналиши сифатида “Истеъмолчилар хулқ-атвори” фани юзага келди. сифатида “Истеъмолчилар хулқ-атвори” фани турли хил фанлардан янги тадқиқот усулларини жалб этиш орқали босқичма-босқич мустақил фанга айлана бошлади. Хозирги кунда “Истеъмолчилар хулқ-атвори” фани дунёнинг кўпчилик мамлакатларида яхши танилган.

@TDIU_ARM

Маркетингнинг дунёга машҳур олимларидан бири Ф. Котлер 1998 йил Москва ва Санкт-Петербургга ташрифи чоғида маркетингга таълуқли бўлган масалада шундай деган эди: “Инқироз пайтида корхона банкрот бўлмаслиги учун, у харажатларни қисқартириши лозим. Бироқ, хар қандай вазиятда хам маркетинг учун харажатларни камайтириб бўлмайди”.

Фақатгина маркетологлар корхонанинг сай-характларини амалга оширишнинг янги нуқталари ва резервларини топишлари мумкин. Агар оддий шароитларда маркетинг корхонанинг гуллаб-яшнаши учун керак бўлса, инқироз шароитида маркетинг корхонанинг яшаб қолишини таъминловчи ягона механизм бўлиб ҳисобланади.

“Истеъмолчилар хулқ-атвори” фани – маркетингнинг йўналишларидан бири ҳисобланади. “Истеъмолчилар хулқ-атвори” фанининг методларини ўрганиш фақатгина тижорат корхоналарининг эмас, балки мамлакатнинг яшаб қолишини таъминлайди.

2. Истеъмолчи хулқ - атвори фанининг асосий вазифалари

Истеъмолчи хулқ-атворини ўрганиш фақат тижорат корхоналарига эмас, балки давлат миқёсида хам катта ахамиятга эгадир. Корхона рахбарлари ўз ривожланиш стратегияларини ривожлантиришлари учун истеъмолчи хулқ-атворини билишлари зарурдир. Жумладан, мухим вазифалардан бири корхона томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар биринчи навбатда йўналтириладиган сегментлар (истеъмолчилар гурухи) аниқланиши лозим.

Истеъмолчи хулқ-атвори - махсулотлар, хизматларни олиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишга бевосита йўналтирилган фаолият хисобланади. Бу фаолиятга махсулотлар, хизматларни олиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишдан олдин ва кейин юзага келувчи қарорларни қабул қилиш жараёнлари хам киради.

Истеъмолчи хулқ-атворини истеъмолчига таъсир этиш, янги тадқиқотлар олиб бориш, маданиятлараро истиқболни белгилаш каби кетма-кетликда ўрганиш мумкин.

Истеъмолчини хабардор қилиш, алдаш ва бошқасуистеъмол қилишларни, бошқаамал қилувчи суд химоясини қўллашни хамда компенсация олиш имкониятини кўзда тутади. Истеъмолчининг хаётида фойдали булиши мумкин бўлган ахборот дастурлари, мотивация ва хулқ-атвор буйича илмий тадқиқотларга асосланиши лозим. хар қандай истеъмолчининг бир неча вариантдан англаб етилган ва эркин танлаш хуқуқи эркин тадбиркорлик иқтисодиётининг асоси хисобланади. Ушбу хуқуқ бизнесдаги суистеъмол қилишлар натижасида бузилганда, хукумат монополиялар хуқуқини чеклаши ва адолатсиз савдодаги кўзбўямачиликларни олдини олиши лозим.

Истеъмолчилар хуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги қонунлар кўпинча ушбу қонунларни ишлаб чиқувчи хуқуқшуносларнинг унча катта бўлмаган гурухининг фикр-мулохазаларига асосланади. Натижада ушбу қонунлар фақатгина самарасиз бўлмай, балки ишлаб чиқариш сохаси учун зарарли булиши мумкин. Истеъмолчилар хуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқишда кўпроқ илмий изланишларга эътибор берилса, истеъмолчиларнинг химояланишини янада ошишига эришилади.

Яқин кунларгача истеъмолчини ўрганиш буйича тадқиқотлар маркетинг манфаатлари йўлида ўтказилар ва позитивизм парадигмаси кўринишини олар эди. Бунда қонунлар ва хулосаларни умумлаштириш учун кўпол эмпирик, яъни амалиётда текшириб кўриладиган методлар қўлланилар эди. хозирги кунда позитивизм мазмуни турли метод ва мақсадларни ўз ичига олувчи тадқиқот шакли, яъни постмодерн билан тўлдирилмоқда. Позитивизм - фалсафий оқим бўлиб, дунёни билиб бўлмаслиги тўғрисидаги поспулатга асосланган фалсафий оқим хисобланади. Амалиётда кўпинча «модерн» (замонавийлик) ва «постмодерн» (замонавийликдан кейин) тушунчалари асосан санъатдаги турли оқимлари сифатида қаралади. Шу билан бир қаторда ушбу тушунчанинг сиёсий, иқтисодий, маркетинг ва бошқамохиятлари эътиборга олинмайди. Модернизмнинг мохияти мафкўра, иқтисодиёт ва бозор ғояларининг умумлашувидан иборатдир. Постмодерн назариялари XX асрнинг 60-70 йилларида модернизмнинг юмшоқ ғояларини бирлашувига интилувчи тоталитар

@TDIU_ARM

тузумларнинг таназзулга юз тўтишига жавоб сифатида юзага келди. Постмодерн тарафдорлари барча учун ягона ғоянинг мавжуд булишини инкор этадилар. Барча муаммоларга кенг эътибор берилишини хамда барча вазифаларни хал этишга индивидуал ёндошувни талаб қилинишини, бу оқимнинг ижобий томони сифатида қараш мумкин.

Барча мамлакатларда ва барча қитъаларда инсонларда иқтисодий ривожланиш ва янада мустақил бўлишга интилиш кузатилмоқда. Соф даромадларнинг ошиб бориши билан турмушнинг ўсиб борувчи стандарти товарларни харид қилишдаги устувор рағбатлантиришга айланиб бормоқда. Синчков тадбиркорлар хамма жойларда хам ўзларининг келгуси истеъмолчиларини билишлари ва ушбу истеъмолчиларнинг эхтиёжларини уларнинг маданий хусусиятларини эътиборга олган холда қондириш орқали фойда олиш мумкинлигига иқрор бўлмоқдалар. Масалан, «Хуоли-28» («Power 28» номли кир ювиш воситасининг хитойча номланиши) замонавий Хитойдаги модали атама бўлиб хисобланади. Бу кир ювиш воситаси дархол Хитойда машхурликка эга бўлди. Телевизион, радио ва газета рекламаси ёрдамида уни сотиш хажми 10 баравар ошди ва катта миқдорда фойда келтирди. Ёқимли хидга эга бўлган (ер тут, тарвуз, шоколад ва бошқалар) болалар пойафзалини Чилининг Сантьяго шахрида жойлашган дунёдаги ягона завод «Calzados Dolphitos» ишлаб чиқаради. Ушбу завод 1986 йили ишга тушган бўлиб, ушбу даврда сотиш хажми икки баравардан ошиб кетди ва бу махсулотга бўлган талаб таклифдан анча юқори туради. «Procter & Gamble» компанияси Мустақил Давлатлар хамдўстлиги мамлакатлари бозорини битта идишда хам бальзам, хам қазғоқга қарши воситалари бўлган шампунлар каби махсулотларни таклиф этиш орқали эгаллаб олган.

Корхоналарнинг мухим вазифаларидан бири бўлиб, маркетинг стратегиясига истеъмолчини ўрганишни кетма-кет тадбиқ этиш хисобланади.

3. Истеъмолчилар хулқ-атвори ва мотивациясини тушуниш

Истеъмолчини тушунишда қўйидаги тўртта тушунча асос бўлиб хисобланади:

1. Истеъмолчи – хўжайин.
2. Бизнесда муваффақиятга эришиш учун истеъмолчи мотивациясини ва унинг хулқ-атворини тушуниш лозим.
3. Истеъмолчи хулқ-атвори ташқи таъсир остида бўлади.
4. Истеъмолчи билан ишлашда ижтимоий қонунчиликка ва ахлоқий сезгирликка риоя қилиш зарурдир.

Истеъмолчи хулқ-атворини ва мотивациясини тушуниш хамда уларни товарларни ишлаб чиқишда ва бозорга силжитиш буйича чора тадбирларда эътиборга олиш рақобатли мухит шароитида яшаб қолишнинг абсолют зарурияти хисобланади.

Истеъмолчи товарлар ва хизматлар буйича ўз танловида мустақилдир, бироқ маркетинг агар таклиф этилаётган товар ёки хизматлар истеъмолчининг эхтиёжлари, заруриятларини қондиришга мўлжалланган бўлса, мотивацияга хам, хулқ-атворга хам таъсир этиши мумкин.

Товар ва хизматларнинг сотилиши талабнинг латент (яширин, ноаниқ) кўринишида мавжуд бўлганлиги сабабли таъминланади ва истеъмолчи қулай шароитларда товар ва хизматларни танлаши мумкин ёки аксинча танламаслиги мумкин. Маркетингда латент (яширин, ноаниқ) ўзгарувчилар деб, одатда хисоблаб бўлмайдиган кўрсаткичларга айтилади. Бунга зарурат асосидаги эмас, балки хиссиётлар таъсирида қабул қилинган харид қилиш тўғрисидаги асосланмаган қарорларни қабул қилиш мисол бўла олади. Билвосита статистик методлар билан бундай харидлар миқдорини прогноз қилиш мумкин, лекин турли хил омиллар таъсирида (мамлакатдаги сиёсий холатнинг ўзгариши, қуёш фаоллиги юқори бўлган кунлар, рекламанинг таъсири, оиладаги муносабат ва бошқалар) реал харидлар сони прогноз қилинадиган харидлар сонидан анча фарқ қилиши мумкин.

@TDIU_ARM

Фирмаларнинг муваффақияти истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишга харакат қилувчи рахбарлар, менежерларнинг фаоллилигига боғлиқ бўлади. Бунга мисол қилиб Шимолий Америкадаги Honda North America компанияси менежерлар командасининг тезкор ва самарали фаолиятларини келтириш мумкин. «Ford Tauras» маркали автомобиллар бозорда уларнинг «Accord» номли автомобилларини сиқиб чиқарганда, улар ўз автомобилларининг пировард истеъмолчилари билан ишлашга эътибор бериш орқали холатни тўғрилашга харакат қилишди.

Истеъмолчиларнинг эхтиёжлари ва заруриятлари хақиқий хисобланиб, фойдали махсулотлар ва хизматларни таклиф этиш шубхасиз фойда келтиради. Истеъмолчилар томонидан олинадиган фойда иқтисодий тизимни жонлантиради. Дунёда машхур бўлган маркетинг буйича стратег Лео Богарт шундай деб таъкидлаган эди: хар қандай махсус (маркетинг) реклама компаниясининг бозорга аниқ махсулот ёки фирмани силжитишга йўналтиришдан ташқари, хар бир истеъмолчига мўлжалланган ва доимо унда йўқ бўлган товарлар ва хизматлар тўғрисида эслатиб турувчи минглаб реклама мурожаатномаларининг кенг аралаш самараси хам мавжуддир. Шахсий мотивация даражасида бу самара янада кўпроқ истеъмол қилишга, харид қилишга, яъни мукаммалликка интилиш сифатида сезилади. Жамоа даражасида эса у мамлакат иқтисодий тизимининг асоси ва қўллаб-кувватловчи иқтисодий механизми хисобланади.

Амалиётда эса ушбу қоидалардан четланишлар хам мавжуд бўлади. Ишлаб чиқариш ва савдо сохасида кўзбўямачиликларнинг ва алдашларнинг кенг қулоч ёйиши консьюмеризм харакатини юзага келтирди хамда 1960 йилда АҚШ да истеъмолчилар хуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилишга мажбур қилди. Ушбу қонуннинг мазмуни қўйидагилардан иборатдир:

- хавфсиз бўлиш, яъни истеъмолчи хаёти ва саломатлигига хавфли бўлган товарлар ва хизматлардан химояланиш хуқуқи;
- ахборот олиш хуқуқи, яъни ахборот билан таъминланган танловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш; ёлғон таклифлар, кўзбўямачиликлардан химоя қилиш;

- танлов эркинлиги яъни рақобатли бахолар шароитида турли хил товарлар ва хизматларни кафолатли танлаш;
- химояланиш хуқуқи, яъни истеъмолчиларнинг манфаатлари тўлиқ ва тушунилган холда бозорни тартибга солиш буйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда эътиборга олиниши лозим хамда зарарларни адолатли қоплаш кафолати;
- тоза ва соф атроф-мухитдан фойдаланиш хуқуқи;
- ахолининг камбағал қатламлари ва майда миллатларнинг ўз манфаатларини химоя қилиш хуқуқи.

Ушбу хуқуқлар мутлоқ ва бузилмас хисобланади. Кўзбўямачиликлар, паст сифат, қонуний шикоятларни эътиборга олмаслик, атроф-мухитни ифлослантириш ва бошқашунга ўхшаш харакатлар қонуний хуқуқларни бузилиши деб қаралади.

Консьюмеризм сифатли товарлар ва истеъмолчига эътибор учун кўрашувчи АқШ даги ижтимоий харакат хисобланади. Ушбу харакат XX асрнинг 50 - йилларининг иккинчи ярмида юзага келган ва хозирги кунгача амал қилиб келмоқда. Консьюмеризм харакатининг мақсад ва вазифалари доимо кенгаймоқда ва ўзгаришга учрамоқда.

Истеъмолчилар хуқуқини химоя қилиш буйича кенг кўламли ишларни олиб борилиши натижасида миллий онгда силжишлар юзага келди ва бу холат бизнес, жамият ва сиёсатда қўйиладиган ахлоқий талабларнинг ошишига олиб келди. Масалан, статистик маълумотларга кўра алкоголизм ва чекиш билан боғлиқ бўлган касалликларнинг ўсиши натижасида африкадан чиққан америкаликлар хаётининг ўртача давомийлиги йилдан-йилга камайиши кузатилган. Ушбу маълумотлар матбуотда эълон килинганида, истеъмолчилар жамияти бундай хавфли товарларни сотишга қарши чиқдилар. Параллел холда таваккалчилиги юқори бўлган ахоли гурухлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада спиртли ичимликлар ва тамаки махсулотлари сотиш хажми анча камайди. Жамоатчилик таъсири остида G. Heileman Brewing Co. компанияси асосан африкадан чиққан америкаликлар учун йўналтирилган ўзининг «Power

@TDIU_ARM

Master» номли солодли ликёрини сотувдан олиб ташлашга мажбур бўлди. Бундан кейин «қора» кварталларда бозорнинг ушбу сегменти учун мўлжалланган ментолли сигаретларни силжитиш буйича ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларнинг барча умидлари рўёбга ошмаслиги аён булди.

Истеъмолчини ўрганиш тадқиқотларнинг динамик холда ривожланаётган сохаси хисобланади. Истеъмолчини ўрганиш билишнинг тизимли сохаси сифатида 1950 йилларнинг охири ва 1960 йилларнинг бошида юзага келган. Бу давр кўпчилик малакатларда иқтисодий юксалиш даври эди. Менежмент тизимининг ва умуман иқтисодиётнинг бошидан кечирган кенг қамровли (глобал) ўзгаришлар, стратегик маркетинг дастурларини ривожлантиришга, жумладан истеъмолчи хулқ-атворини ўрганишга эътибор беришни кучайтиришга сабаб бўлди.

4. Истеъмолчи хулқ - атвори ва маҳсулот қимматдорлиги

Замонавий харидор махсулотларнинг савдо маркасининг ишлаб чиқарувчиларнинг бахолар ва товар етказиб берувчиларнинг кўп миқдордаги сони билан тўқнаш келмоқда. Бундай шароитда истеъмолчи қандай килиб ўз танловини амалга оширади.

Биринчи навбатда истеъмолчи қайси бир таклиф максимал қимматдорликка эга эканлигини аниқлаши лозим. Харидор қимматдорликни максималлаштиришга товарларни қидириш учун қулай бўлган харажатлар доирасида ўз билимининг чекланганлиги даромадлар даражасининг чекланганлиги асосида эришади. Истеъмолчи томонидан хис қилинадиган қимматдорлик (қиймат) махсулотнинг умумий қимматдорлиги билан унинг умумий харажатлар орасидаги фарқ сифатида аниқланади. Харидор учун умумий қимматдорлик харидорнинг махсулот ёки хизматни сотиб олишда олиш мумкин бўлган фойдаларнинг йиғиндисидир. Истеъмолчиларнинг умумий харажатлари эса махсулот ёки хизматларни олишда ва улардан фойдаланишда харидор томонидан сарфланадиган харажатлар суммаси сифатида аниқланади.

Харидорлар бундан ташқари қўшимча хизматлар шароитини хам кўриб чиқишади. Истеъмолчиларнинг харид буйича қониқиш даражаси истеъмолчининг

кўтиш натижалари сотиб олинган махсулотнинг реал сифати орасидаги нисбат сифатида аниқланади. Истеъмолчиларнинг эхтиёжларини қондириш жараёнида бир қатор муаммолар хам юзага келади. Истеъмолчилар компания фаолиятининг бирор элементи тўғрисида ўз қониқиш даражасини аниқлашда бахолашнинг бошқамезонлари йўқлигига ишонч хосил қилиши керак. Махсулот қимматдорлигини яратиш занжирининг асосчиси Гарвард университетининг олими Майкл Форте хисобланади. хар қандай компаниянинг бизнесини турли хил фаолиятларининг мураккаб системаси сифатида қараш мумкин (лойихалаштириш, ишлаб чиқариш, бозорни ўрганиш, товарларни етказиб бериш ва сотишдан кейинги хизматларни кўрсатиш). қимматдорликларни яратиш занжири ўзаро боғланган 9 та стратегик фаолият тўрини ўз ичига олади. Занжирнинг 5 та звеноси асосий, қолганлари эса ёрдамчи ролини ўйнайди. Корхонанинг асосий фаолият турларига қўйидагилар киради:

1. Материалларнинг кетма-кет келтирилиши (ички логистика).
2. Материалларни пировард махсулотларга айлантириш (ишчи операциялари).
3. Пировард махсулотларни ташиш (ташқи логистика).
4. Маркетингни амалга ошириш (маркетинг ва сотиш).
5. Сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш (сервис).

Ёрдамчи фаолият турлариги қўйидагилар киради:

1. Хом ашё материалларини харид қилиш.
2. Технологияларни ривожлантириш.
3. Инсон ресурсларини бошқариш.
4. Корхонанинг инфраструктураси.

Корхонанинг инфраструктураси ўз ичига умумий бошқариш, режалаштириш, молиялаштириш, бухгалтерия хисоби, юридик қўллаб-қувватлаш, давлат муассасалари билан муносабатлар ва бошқалар киради. Корхонанинг вазифаси юқорида баён этилган занжирнинг хар бир буғинидаги хосил бўладаган харажатлар ва қийматларни тахлил қилиш ва компаниянинг фаолият самарадорлигини ошириш йўлларини қидиришдан иборатдир.

@IDU_ARM

Бундан ташқари корхона ўз рақобатчиларнинг харажатлари самарадорлигини бахолаши ва уларни ўз кўрсаткичлари билан таққослаши лозим. Бизнес жараёнларининг хал қилувчи йўналишлари бўлиб қўйидагилар хисобланади:

1. Янги махсулотни сотиш жараёни. Бу жараёнга қисқа муддатларга бюджет томонидан белгиланган доираларда юқори сифатли махсулотни тадбиқ этиш, конструкциялаш ва ишлаб чиқаришни бошлашга қаратилган барча фаолият киради.

2. Моддий ишлаб чиқариш захираларини бошқариш жараёни. Моддий ишлаб чиқариш захиралари, ярим фабрикатлар, пировард махсулотнинг бошқариш зарур бўлган жўнатмаларни таминлаш ва омбор харажатларини минималлаштиришга йўналтирилган барча фаолият турлари киради.

3. Буюртма ва пулларни кўчириш жараёни. Бу жараёнга буюртмаларни олиш, махсулотни ўз вақтида жўнатиш, тўловларни назарот қилишга йўналтирилган барча фаолият турлари киради.

4. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш жараёни.

Корхонанинг пировард муваффақиятига эришиш учун рақобатларнинг устунликларини излаш ва топиш дистрибьюторлар, истеъмолчилар, товар етказиб берувчилар томонидан қийматни яратиш занжирини ўрганиш лозим. қаттиқ рақобат шароитида кўпчилик корхоналар маълум бир дистрибьюторлар ва товар етказиб берувчилар билан доимий асосда ишлар экан, қийматни истеъмолчиларга бериш ва яратиш системасини шакллантиради.

Хозирги вақтда корхоналар «Навбатдан кетиб қолиш» коэффициентига катта этибор беришлари зарур (уларнинг истеъмолчиларни йўқотиш даражаси). Бунинг учун корхоналар бу коэффициентни камайтириш учун махсус чора тадбирларни амалга ошириши керак:

1. Корхона истеъмолчиларни ушлаб туриш коэффициентини аниқлаши ва ўзгартириши лозим. Даврий нашр учун (газета ёки журнал) ўқувчиларни ушлаб туриш кўрсаткичи бўлиб, обунанинг бир маромдаги тиражи хисобланади. Олий

ўқув юртлари учун эса 1-курсдан 2-курсга ўтган талабалар сони ёки ўқишга кирган абитуриенлар ва битирувчиларнинг нисбати мисол бўла олади.

2. Корхоналар истеъмолчиларни йўқотиш сабабларини аниқлаш керак ва уларни бартараф қилиши керак.

3. Истеъмолчиларнинг кетиши билан боғлиқ бўлган фойданинг камайишини хисоблаш лозим.

4. Корхона бошқаришда камчиликларни бартараф қилиш қийматини аниқлаш лозим.

Корхонанинг мақсади унинг ходимларининг истеъмолчилари билан ижтимоий алоқаларни мустахкамлашдан иборат бўлади. Истеъмолчи номсиз булиши мумкин, мижоз эса ўз номига эга бўлади. Истеъмолчилар катта сигментнинг бир қисми хисобланади.

Мижозларга хизмат кўрсатиш эса якка холда амалга оширилади. Истеъмолчига эркин бўлган исталган ходим хизмат кўрсатиши мумкин, мижозларга эса малакали, махоратли ходимлар хизмат кўрсатади.

Қулай истеъмолчи деб узоқ муддат давомида даромад келтирувчи шахс, савдо ташкилоти ёки компанияси тушунилади. Кўпчилик компаниялар индивидуал истеъмолчининг рентабеллигини аниқлашга қодир эмас. Корхонанинг қийматни яратиш буйича имкониятлари қанча юқори бўлса, фойда хам шунча юқори бўлади.

Компаниянинг халқаро операциялари қанчалик самарадорлироқ бўлса, унинг рақобат устунлиги шунча юқори бўлади. Корхоналар ўз фаолияти давомида етарли равишдаги рақобат устунлигини яратишади. Муваффақиятга эришган корхоналар истеъмолчиларга юқори қимматдорли махсулотларни таклиф килади, такрорий харидларни таъминлайди ва юқори фойдага эришади. Харидорлар эса ўз навбатида юқори сифатли махсулотлар ва юқори хизмат кўрсатиш даражасини кўтишади.

Пировард натижада маркетинг қулай истеъмолчиларни жалб қилиш ва ушлаб туриш санъати хисобланади. Замонавий менежерлар махсулот сифатини яхшилаш ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш даражасини оширишни устувор

@TDIU_ARM

йўналиш сифатида қарашади. Кўпчилик Япония компаниялари ўз муваффақиятларига махсулотнинг юқори сифати орқали эришишган. Агар компания юқори фойда даражасини сақлаб колмоқчи бўлса, ёппасига сифатни бошқариш системасини қабул қилишга мажбур.

Ёппасига сифатни бошқариш барча ташкилий жараёнлар, махсулотлар ва сервиснинг сифатини узлуксиз оширишнинг умумий ташкилий усули хисобланади. Кимё бозорида рақобатчига эга бўлмаган товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга интилиш компанияларга юқори сифатли махсулот учун мукофот беришни кўзда тутади.

Махсулотларнинг юқори сифатига эришиш юқори бахоларни ушлаб туриш ва харажатларни камайтириш орқали истеъмолчиларнинг эхтиёжини юқорироқ даражада қондириш имконини беради. Сифатли назорат қилиш буйича Америка жамиятининг бутун дунёда қабул қилинган сифатга бўлган таърифи қўйидагича:

Сифат - махсулот ёки хизматнинг хоссалари ва тавсифномалари йиғиндиси бўлиб ифода этилган ёки кўзда тутилаётган эхтиёжларни қондира олиш хусусиятига асосланади.

Махсулотларнинг сифати ва ишлаб чиқарилиши билан қизиқмайдиган маркетинг буйича мутахассислар фирмалар учун ортиқча бўғин хисобланади.

5. Истеъмолчи хулқ - атворини ўрганишда қўлланиладиган усул ва услублар

Маркетинг тадкикотларидан рағбатлантирувчи омилларнинг истеъмолчи «қора қутиси» да кандай хатти-харакатга айланиши ўрганилади. Қора қути икки қисмдан: истеъмолчи ва рағбатлантириш омилига эга бўлиши, истеъмолчининг махсулот харид қилиш хақидаги қарори унинг хатти-харакатига таъсир кўрсатишдан иборат бўлади.

Истеъмолчи хатти-харакатининг ўсиб бориш жараёни бешта босқичдан иборат:

1. Эхтиёжни аниқлаш.
2. Маълумот излаш.
3. Муқобил махсулот турларини баҳолаш.

4. Харид.
5. Харид натижаси.

Бу битта жараенда биринчи марта махсулот харид килаетганда каттий амал килинади, кейинги вазиятларда эса у узгариб боради, бу жалб килиш даражаси хамда мукобил махсулотлар уртасидаги фаркни хис этишга богликдир

«Истеъмолчи хатти-харакати» фанининг институтлаштириш жараени АКШда, асосан 1970 йилларнинг биринчи ярмида тугатилган. 1969 йилда истеъмолчиларни урганиш уюшмаси (Association of Consumer Research-ACR) ташкил топди, 1974 йилда эса бу соха муаммоларига багишланган махсус ойнома «Journal of Consumer Research» нашрдан чиsa бошлади.

1980 йилларда сезиларли даражадаги узгаришлар руй берди. Истеъмол муаммоси жамиятшунослар-тарихчилар антропологлар, социологлар, маданиятшунослар, кизикишлари доирасига чукур кириб борди. Маркетинг тадкикотларида йуналиш янги деб эътироф этилди.

Истемолчини тахлил этиш деганда потенциал истемолчиларнинг хозирдаги ва келгусидаги заруриятларини, эхтиежларини ва истакларини урганувчи усуллари тизими, дид ва истакларидаги узгаришларга, умуман бозорда истемолчининг хатти-харакатига таъсир килувчи омилларни аниклаш, кондирилмаган эхтиеж сабабларини аниклаш ҳисобланади.

Нуфузга эга булган фирмалар фаолиятида истеъмолчиларни атрофлича урганиш мухим вазифа саналади. Том Питерс маркетинг буйича мутахасисларга узининг истемолчисини урганишни ва уларга кулок солишликни, бунга уз вактининг 25% ни сарфлашни тавсия килади. Узгаришларга мосланувчан тадбиркорлар фойдани качонки уз истеъмолчисини яхши биладиган ва унинг эхтиежини тула кондирган холдагина олиш мумкинлигини яхши билишади.

Бир канча тадкикотчиларнинг фикрича, истеъмолчи хатти-харакати, хулк-атворини урганишнинг услубиет асоси умуммиллий, аналитик-башоратлаш усул ва услубларидан ташкил топади. (1-жадвал).

@IDIU_ARM

1-жадвал

Истеъмолчини хатти-харакатини ўрганишда қўланиладиган усул ва услублар

Умумиллий усуллар	Аналитик башоратлаш усуллари	Мотивларни тадкик этишдаги усуллар	Дастлабки маълумотларни йигиишда кулланилади ган усуллар
Тизимли тахлил Комплекс ендошув Дастурий максадли режалаштириш	Чизикли дастурлаш Оммавий хизмат курсатиш назарияси Алока назарияси Эхтимоллар назарияси Иктисодий - математик усуллар Экспертлар бахоси	Теран суров Проекциявий шакл.	Танлаб-кузатиш Тажриба-экспериментал Танлаб – текшириш Анкета сурови

Бу усуллардан ташкари мотивларни тадкик этиш бевосита савол бермасдан туриб, шу типдаги бизни кизиктирган саволларга маълумот олишдек бузига хос санъат хисобланади. Шу максадлар учун билвосита йуллар билан ахборот олишда нозик усуллар мажмуасидан фойдаланилади. Теран суров, проекцион шакллар худди шундай усулларга киради.

Проекцион шакллар усулининг максади шахснинг маънавий оламига кириб бориш, тадкик этилувчи шахсларнинг мунолсабатлари, харакатлари мотивлари урганишдир. Бу шахсларнинг бошка инсонлар ва бошка холатлар хакидаги мулохазалари еки езма фикрлари асосида уларнинг маънавий оламига кириб борилади. Шахс проекцияси бошка кишиларни, атрофдаги инсонларни, вокеаларни бахолашда суровга жавоб берувчилар (респондентлар) узларининг айрим хислат-хусусиятларини, кайфиятларига хам нисбат бердилар, деган

карашга асосланади. Масалан, гапни тулдириш тести, сузлар мажмуаси тести, фикрлар комплекси ва хоказолар.

Саволларга жавоблар хар-хил булиши мумкин, улар хар-хил респодентлар хулки намуналарини акс эттиради, бу эса тадбик килувчиларни алохида гурухлар буйича таснифлаш ва улардан хар бирининг кийматини аниклашга имкон беради.

Маркетинг тадкикотларини олиб боришдаги дастлабки маълумотларни йигишдан кенг микесда кулланиладиган усуллар жумласига куйидагилар киради: Танлаб-кузатиш, тажриба -эксперимантал, танлаб текшириш, анкета суров.

Маркетинг тадкикотларини олиб боришдаги истеъмолчи хатти-харакатларини урганиш учун Ушбу усуллардан танхо еки уларни уйгунлаштирган холда фойдаланиш мумкин. Энг оддий усул - кузатишдир, баъзида тадкикотчи урганилаетган омил билан боглик булган жараенларни бевосита кузатиб боради.

Тажриба-эксперимантал тадкикотлар жами узгарувчанликлар-ни ташкил этувчи бир хил кийматли, бир хил гурухларни, хозир урганилаетган бир гурухни мустасно этганда киеслаш йули билан утказилади. Экспериментни утказишда кузатиш усулида умуман учрамайдиган назоратни амалга ошириш мумкин, бу эса танлаб кузатишга караганда арзонга тушади. Аммо, эксперимантал усул узига хос камчиликка эга,бир узгарувчан катталикни улчаш гоят кимматга тушиши мумкин, узгарувчан микдорлар бевосита тарзда эксперимент якунларига таъсир курсатиши мумкин , бу хам уз навбатида синов утказишни талаб этади. Танлаб кузатиш хамда суров энг машхур ва бирламчи маълумотлар олишда фойдаланиладиган усул хисобланади. Фирмалар кишиларнинг билими, эътикоди, диди, тассавурлари, эхтиежининг кондирилиши даражаси ва бошкалар хакида ахборот олиш сурови утказади.

Танлаб кузатишда кенг омма мунособатини белгилайдиган, истеъмолчилар гурухларини («истеъмолчи панели») урганиш натижасида олинадиган ахборотдан кенг фойдаланилади. Истеъмолчилар «панели» деганда, одатда куп марта тадкикотчилар учун махсус танлаб олинган, синаладиган кишилар мажмуи тушунилади. Бундай тадкикотлар мунтазам даврийликда одатда, бир параметрли

@TDIU ARM

диапазонда утказилади. Истеъмолчилар «панели» ни урганишдан асосий максад харидорлар килган харидлар тугрисида ахборот олишдир. Шу асосда, микдори ва таркиби аниклаш, янги махсулотларни синаш, турли давр нашрларнинг радио ва телевизион эшиттириш ва курсатувларнинг оммавийлиги, реклама воситаларини куллашнинг самарадорлиги ва бошкаларни аниклаш мумкин булади.

Истеъмолчилар «панели» нинг бозорни тадкик этишдаги энг мухим ижобий томонларидан бири шундаки, у кандай товарлар харид килинаетганлиги езма, огзаки еки техника воситалари билан кайд килиш билан чегараланмайди, балки айни пайтда харид билан боглик холда истеъмолчининг уй хужалиги одатлари хакида хам ахборот беради. Бу эса истеъмолни ижтимоий-иктисодий таркиби нуктаи назаридан, шунингдек харидорларнинг ният ва истакларини чукуррок билишга имконият тугдиради.

Истеъмолчилар «панели»ни воситасида танлаб тадкик этиш кузатишларнинг муайян даврий тарзда узлуксизлиги, мунтазамлиги,такрорийлиги билан ажралиб туради. Бунинг изохи эса жуда осон, чунки истеъмолчилар муносабати доимо узгаришларга учраб туради,шу сабабли уни бир марта урганиш кифоя килмайди,бундай тадкикотларни иштирокчилар гурухини узгартирмаган холда бир неча марта даврий такрорлаш зарур, шундагина истеъмолчилар муносабатларидаги узгаришларни объектив киеслаш мумкин булади.

Истеъмолчилар хатти-харакати, хулк-атвори ва узини тута билиши хакидаги олиб борилган тадкикотларни тахлил килиш шу хулосага олиб келади, иктисодиет учун умумий холда ушбу муаммо натижалари канча мухим роль уйнасада, шу билан биргаликда замонавий статистик база микесида уни амалга оширишда етарлича тайергарликка эга булмасликни очикчасига тан олмок зарур булади. Тегишли бу сохада маркетинг тадкикотлариолиб бориш учун самарали услубий кулланма мавжуд эмас. Шу билан биргаликда жамиятнинг мувафакиятли фаолият курсатиш шарти мажбурий равишда талаб билан таклиф уртасидаги бозор мувозанатини таъминлаш учун истеъмолчи хатти-харакатини урганишда маркетинг тадкикотлари олиб бориш йуллари ва имкониятларини излаб топишни талаб этади.

Истемолчини урганиш «7OS» концепциясига (инглизча атамаларнинг боҳлангич ва охирги харфлари) таянади. Бу концепция куйидаги элементлардан ташкил топган:

occupants -бозор иштирокчилари (бозорда харидни ким амалга оширади?)

objects -бозор предметлари (бозорда кандай махсулотлар ва преметлар сотилади ва сотиб олинади, кандай кондирилмаган эхтиежлар мавжуд?);

objective- бозор иштирокчилари уз олдига куйган максади (нима учун улар харид килади?);

organizations -бозорда иштирок этадиган ташкилотлар (бозорда истеъмолчи билан биргаликда ким харакат килади?);

operations -бозорда операцион жараенлар (харид кандай амалга ошади?);

occasions - харид имкониятлари (харид качон амалга ошади?);

outles - сотиш каналлари (харид каерда амалга ошади?).

Энг мухим муаммога жавобни натижавий танловга нима таъсир килиши харидни амалга оширишда ички уйготиш мотивлари чукур урганиш талаб этилади.

6. Ўзбекистон Республикасида истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражаси яхшиланган сари харид қуввати ҳам, истеъмол ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Ушбу ҳолатни сўнгги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарларни харид қилиш ҳамда хизматлар учун тўланадиган маблағлар миқдорининг муттасил ошиб бораётгани ҳам тасдиқламоқда. Мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўсиб бормоқда ва ялпи саноат ҳажмида уларнинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисининг истеъмол харажатлари муттасил тарзда ошиб бормоқда.

Жамиятдаги барча фуқаролар истеъмолчи бўлиб ҳисобланади. Ҳар куни улар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, товар ва маҳсулотларни харид қиладилар, иш ҳамда хизматлардан фойдаланишади. Бу эса, аввало, уларга қонун билан муҳофаза этиладиган ўз ҳуқуқларини чуқур билиш ва амалда қўллай олишни,

@TDIU_ARM

иккинчидан эса, тобора ривожланиб бораётган истеъмол бозори шароитида соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштириб борилишини тақозо этади.

АҚШ президенти Жон Кеннеди Конгресснинг 1962 йил 15 март куни ўтказилган мажлисида нутқ сўзлаб, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиб чиқади ва уларнинг асосий ҳуқуқларини ўз ичига олган декларацияни имзолайди. 1983 йилдан буён ушбу сана бутун дунёда Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни сифатида кенг нишонланади. Юқоридаги ҳужжат истеъмолчиларнинг маҳсулот (хизмат) ҳақида маълумот олиш, унинг сифати (хавфсизлиги)га ишонч ҳосил қилиш, маҳсулот (хизмат)ни танлаш ҳамда унга ўзгартириш киритиш каби ҳуқуқларга эга бўлишини таъминлади. 1985 йил 9 апрелда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош ассамблеяси томонидан истеъмолчилар ҳуқуқлари муҳофазасининг асосий тамойиллари қабул қилингач, бу рўйхатга тоза атроф-муҳитга эга бўлиш, зарар учун товон олиш, асосий эҳтиёжларини қондириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бўйича таълим олиш каби ҳуқуқлар ҳам қўшилди. Мазкур резолюция билан истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари халқаро миқёсда тан олиниб, қонуний кучга эга бўлди. Шу ўринда ушбу ҳужжат Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Республикамизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган бўлиб, Асосий қонунимизнинг 53-моддасида истеъмолчилар ҳуқуқлари устунлиги принципи ўз ифодасини топган. Бундан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ва истеъмолчи манфаатлари бир-бирига зид келганда устунлик истеъмолчи томонида бўлади. Бошқача айтганда, истеъмолчи ҳар доим ҳақ.

Мамлакатимиз фуқаролари «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга биноан товар (иш, хизмат), ишлаб чиқарувчи (сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш, товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ҳамда унинг тегишли даражада сифатли бўлиши, ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги)

туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши, бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш ҳуқуқига эгадир. Бу эса умум эътироф этган норма ва қоидаларга тўла мос келади.

Ушбу қонун ижросини таъминлашда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси билан шуғулланувчи жамоат ташкилотлари ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорга асосан ташкил этилган Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мисолида сўз юритадиган бўлсак, аҳоли ўртасида соҳага доир қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва бунинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда иш олиб бориш, ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг зарур даражадаги сифатини ва хавфсизлигини назорат этиш, аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш унинг асосий вазифалари ҳисобланади. Бугун федерация таркибида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 14 та ҳудудий бирлашма, 195 туман (шаҳар) жамияти, маҳаллалар, корхоналар ва ташкилотларда 7378 та таянч гуруҳнинг фаолияти йўлга қўйилган. Уларга беш юз мингдан ортиқ фуқаро аъзо бўлган.

Федерация ва унинг ҳудудий бирлашмалари, туман (шаҳар) жамиятлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонунчилик талабларига риоя этилишини мунтазам ўрганмоқда ва назорат қилмоқда, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истеъмолчилар ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича маърифий тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Маҳаллий ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда жамоатчилик фикрини ўрганиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

@TDIU_ARM

борасидаги муаммоларни аниқлаш мақсадида мониторинг олиб борилиб, аҳолии ўртасида ижтимоий сўров ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича умумлаштирилган ахборот тегишли тавсиялар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли вазирликлар ва идораларга тақдим этилмоқда.

Истеъмолчи ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда нима қилиши керак? Аввалambор, зудлик билан оғзаки ёки ёзма равишда корхонанинг мансабдор шахсига эътироз билан мурожаат қилиш лозим. Масалан, секция, бўлим мудири, дўкон директори, таъмирлаш устахонаси, хизмат кўрсатувчи корхона раҳбарига. Шунда ҳам ҳуқуқлари тикланмаса, у истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадиган ваколатли давлат тузилмалари, маҳаллий ҳокимият органлари ёки бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчилардан газ, сув, электр энергияси таъминоти, коммунал хизмат кўрсатиш, савдо, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар бўйича мурожаатлар келиб тушмоқда ва уларнинг 95,9 фоизи истеъмолчилар фойдасига ҳал этилмоқда ҳамда моддий-маънавий зарар ундирилиб берилмоқда.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайдиган қонунчилик базаси яратилганига қарамасдан, ҳанузгача сифати паст товарларни сотиш, талабга жавоб бермайдиган хизматларни кўрсатиш каби ҳолатлар учрамоқда. Бунинг асосий сабаби истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқларини етарли даражада билмаслигидир.

Истеъмолчиларнинг бу борада зарур билимга эга бўлиши – давр талаби бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва унинг ҳудудий органлари кўмагида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича маърифий тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2008 йилдан буён нашр этиб келинаётган «Истеъмолчи» газетасида аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга

қаратилган материаллар ўзбек ва рус тилида мунтазам чоп этилмоқда. Шунингдек, www.istemol.uz, www.istemolchi.uz, www.potrebitel.uz веб-сайтлари ишга туширилган, ушбу порталлардан истеъмолчилар ўзларини қизиқтирган кўплаб маълумотларга жавоб олиши, ҳуқуқлари бузилаётгани тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасалари ўқув дастурларига истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига доир қонун ҳужжатларини ўрганишга йўналтирилган махсус фанлар қиритилган.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни кенг тарғиб қилиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий билимини ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадида 2006 йилдан буён ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Ҳар йили унинг ҳудудий ва республика босқичларида бир миллионга яқин ўқувчи иштирок этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали услублари қўлланмоқда. Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида белгиланган нормалар бу борада муҳим омил бўлмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, истеъмол маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Назорат ва мулохаза учун саволлар.

1. Истеъмолчи хулқ-атворини ўрганишнинг аҳамияти нимадан иборат?
2. Истеъмолчилар хуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги қонунлар нимага қаратилган?
3. Позитивизм деганда нимани тушунасиз?
4. Модернизм деганда нимани тушунасиз?
5. Истеъмолчини тушунишда асос булувчи тўртта тушунчанинг моҳияти нимадан иборат?

@IDU_ARM

6. Истеъмолчи хулқ-атворини ва мотивациясини тушунишнинг моҳияти нимадан иборат?

7. Латент (яширин, ноаниқ) кўринишида мавжуд бўлган талаб деганда нимани тушунасиз?

8. Консьюмеризм деганда нимани тушунасиз?

9. Қандай омиллар истеъмолчи хулқ-атворини ўрганишга эътибор беришни кучайтиришга сабаб бўлди?

10. Қимматдорликларни яратиш занжиридаги ўзаро боғланган 9 та стратегик фаолият тури тавсифлаб беринг?

2 - БОБ. БОЗОРНИ СЕГМЕНТЛАШТИРИШ ВА ДЕМОГРАФИК ТАҲЛИЛ

1. Бозорни сегментлаштириш

2. Ахоли бозорни тахлил қилишнинг асоси сифатида

1. Бозорни сегментлаштириш

Бозорни сегментлаштириш – товар ёки хизматни ишлаб чикиш ёки моделлаштириш жараёни булиб, бунда улар бутун бозорнинг маълум бир аникланган кисмига йулланади. Сегментлаштиришга мукобил булган тушунча агрегатлашган (жами) бозор ёки оммавий маркетинг дейилади ва бунда барча истеъмолчиларга бир хил товарлар ва хизматлар таклиф этилади.

Бир хил товар стратегиясидан фойдаланувчи оммавий бозор ривожланаётган иктисодиётлар учун ута самарали хисобланади. Масалан, Генри Форд харажатларни етарли даражада камайтирган ва бозорда стандарт «кора» автомобил билан устунликка эришган. Чунки уша даврда иктисодиёт эндигина усишни бошлаган эди. Бозорда «Chevrolet» автомобили пайдо булганда истеъмолчи бир хил типдаги махсулотни турли хил вариацияларда (масалан, автоматик стартёр, турли хил ранглар) ва турли хил бахоларда танлаш имкониятига эга булди ва ушбу холат бозорнинг турли хил сегментларини узига жалб кила олди.

Дуненинг куплаб минтакаларида асосий товарларга булган кондирилмаган талаб шу кадар каттаки, минимал бахоларда асосий функционал эхтиёжларни таъминлаш энг самарали стратегия булиб хисобланади. Одатда у паст харажатни, окимли линияда ишлаб чикарилган ва минимум хизмат курсатишга эга булган стандарт таксимот каналлари оркали сотиладиган стандарт товар хисобланади.

Купчилик истеъмолчилар функционал ёки таянч неъматларга эга булишганда оммавий маркетинг самарасиз-рок булади. Сегментлаштириш функционал эхтиёжларни вариатив кондириш ва гедонистик эхтиёжларга эътибор беришни таклиф килади. Гедонистик эхтиёжлар деб коникиш, лаззатланиш, кулайликка булган эхтиёжлардир.

Сегментлаштиришнинг зарурияти кишиларнинг бир-биридан фарк килиши натижасида келиб чикади. Агар барча кишилар бир хил хохишга ва хулк-атворга

@TDIU_ARM

эга булганларида бозорни сегментлаштиришга булган эхтиёж йуколар эди ва хамма бир хил махсулотларни истеъмол килар эди.

Бирок кишилар бир-биридан мотивация, эхтиёжлар харид килишда карор кабул килиш жараёни ва хулк атворларидаги узига хосликлар билан фарк килади. Шу сабабли якка буюртма асосида ишлаб чикарилган товар идеал товар хисобланади. Бундай товарлар ёки хизматлар серияли товарлардан анча киммат туради, ишлаб чикариш учун куп вакт ва кучни талаб килади, хамда оммавий бозорни урнини алмаштира олмайди. Маркетингнинг самарали дастурлари учун одатда сегментлаштириш ва оммавий маркетинг орасидаги холат талаб килинади. Бозорни тадкик килишнинг максади булиб, истеъмолчилар хулк-атворидаги узгаришларни урганиш, кишиларни бир жинсли гурухларга (сегментларга) ажратиш хисобланади. Ушбу холат сегментлар орасидаги фаркни максималлаштириш шароитида сегментнинг хар бир вакили уртасидаги хулк-атвордаги фаркларни минимумга келтиришга имконини беради.

Индустриал ривожланган мамлакатларда оммавий бозорлар кам микдорда колган, бирок у ерда улчамлари бир-биридан фарк киладиган куплаб сегментлар мавжуддир. Бу холат куйида келтирилган бир неча омиллар билан белгиланади:
1.Тукин – сочинлик. Ушбу омил истеъмолчиларга уларнинг индивидуал дидлари ва хулк-атворига кура товарларни танлаш имконини беради.

1. Истеъмолчиларни мураккаб тахлили ва маълумотлар базасининг мавжудлиги. Ушбу омил махсулотларни ишлаб чикувчилар ва маркетинг стратегларга карор кабул килиши усуллари хулк-атвордаги фаркларни тушунишга ёрдам беради .

2. Унча куп булмаган товар партияларини буюртма асосида ишлаб чикариш. Ушбу омил ишлаб чикариш жараёни устидан компьютер назоратини амалга ошириш ва бахони оширмасдан майда серияли ишлаб чикаришни ташкил этиш имконини беради.

3. Таксимотнинг янги шакллари. Ушбу омил куп каналли чакана савдода инновацияларни таъминлайди, масалан, тугридан-тугри маркетинг таксимотни

бозор сегментлари тугрисидаги компьютер маълумотлар безаси билан якиндан боглаш имконини беради.

Сегментлаштириш рентабелликни оширишнинг мухим воситаси булиб хисобланади. Фойданинг ошиши бахо истеъмолчига окилона булганда омалга ошади. Масалан, компьютер дастурини бир катор фойдаланувчилар-нинг махсус эхтиёжларига мослаштириш мумкин.

Агар мослаштириш кимматга тушса, лекин айрим фойдаланувчилар яратилган дастур учун юзлаб ёки минглаб долларлар тулашга тайёр булсалар стандарт махсулотнинг бахосига нисбатан ушбу махсулот бахосининг усиши миллионлаб долларлаб кушимга фойда келтиради. Худди шу тарзда компьютер индустриясида миллиардлаб сармоялар яратилган.

2. Аҳоли бозорни таҳлил қилишнинг асоси сифатида

Инсонлар бозор таҳлилининг асоси ҳисобланадилар. Аҳолининг сони қандай бўлади ва у ёш бўйича қандай тақсимланади, инсонлар қаерларда яшайдилар деган муаммоли масалалар демографик тадқиқотларнинг предметини ташкил этадилар ҳамда аҳолининг сони, тузилиши ва тақсимланишини белгилаб берадилар. Аҳолининг харид қобилияти ва ёки саломатлиги тўғрисидаги маълумотлар билан юқорида келтирилган муаммоли масалалар боғланувчи таҳлил тури иқтисодий демография деб номланади. Иқтисодий демография мамлакат аҳолисининг иқтисодий тавсифномаларини тадқиқ этиш билан шуғулланади. Шимолий Америка ва Европа учун аҳолининг секин ўсиши характерлидир, бироқ фирма ўз саъй-харакатларини ўсувчи сегментларга жамласа ёки рақобатчилардан истеъмолчиларнинг бир қисмини олса, бу холда ушбу сегмент бутун бозорнинг қисқариши ёки ёки ўсишининг секинлашувида ҳам ўсиши мумкин.

Аҳолишунослик тенденцияси истеъмолчилар хулқ-атворларини тадқиқ қилишдаги бошқа ўзгарувчиларга нисбатан аниқ олдиндан айтилиши мумкин. Ахоли демографияси коинот механикасини эслатиб туради. Табиий офатлар, урушлар, эпидемиялар каби номаълумлар хам мавжуддир бироқ одатда турли хил географик худудларда ахоли сонинг ўзгариши кўпинча аниқ башорат қилинади.

@TDIU_ARM

Учта ўзгарувчидан (туғилиш, ўлим, соф иммиграция) асосийси туғилиш хисобланади ва у мамлакат ахолисини белгилаб беради. Бироқ туғилиш жуда ўзгарувчи катталик хисобланади. Ахоли даражаси ўзгаришини башорат қилишдан олдин, келгусида канча болалар туғилишини билиш зарурдир.

Туғилиш тўртта ўзгарувчи билан белгиланади:

- ахолининг ёш буйича тақсимланиши;

- никохда бўлган ахолининг фоизи, уйдан ташқарида ишловчи аёллар фоизи ва никохга кирувчи кишиларнинг ўртача ёши фоизлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган оила тузилиши;

- жамиятнинг оилага ва болаларга муносабати;

- технологиялар, масалан контрацептларнинг мавжудлиги ва уларнинг қиймати.

Истиқболдаги ахолини режалаштириш учун бир қатор тушунчалардан фойдаланилади.

Туғилиш - ушбу даврдаги 1000 кишига тўғри келувчи тирик туғилган болалар сони билан ифодаланади.

Фертиллик (фертилликнинг мутлоқ даражаси) - 1000 та аёлга (15 ёшдан 44 ёшгача) тўғри келувчи тирик туғилган болалар сони билан ифодаланади. Фертиллик айрим холларда махсус ёшлар учун (масалан, 30 ёшдан 39 ёшгача бўлган аёллар учун) белгиланади. Бу нарса вақт буйича таққослашни енгиллаштириш ёки турли ёшдаги фертилликдаги фарқни кўриш учун амалга оширилади.

Фертиллик даражаси - бир хил ёшдаги аёллар томонидан туғилган болаланинг жами сони билан ифодаланади.1910 йилда 50-54 ёшдаги аёлларнинг фертиллик даражаси 4,1 га тенг бўлган, 1990 йилда эса бу кўрсаткич 3,0 га тенг бўлган ва кейинги йилларда бу кўрсаткичнинг камайиши кузатилмоқда.

Абсолют фертиллик - ушбу йилдаги маълум ёш учун туғилиш даражасига нисбатан аёллар хаётининг туғиш мумкин бўлган давридаги туғилиши мумкин бўлган болаларнинг ўртача сони билан ифодаланади.

Ушбу катталик сунъий катталик бўлиб, мураккаб кўринади лекин туғилишни ифодаловчи фойдали катталик хисобланади, чунки хозирги вақтда аёллар қанча фарзандга эга деган саволга жавоб беради. Кўпчилик ривожланаётган малакатларда бу кўрсаткич 6 га тенг, АқШ да эса бу кўрсаткич 1,8 га тенгдир. Европада ва бир қатор ривожланган малакатларда фертилликнинг абсолют даражаси анча пастдир. Туғилиш меъёри фертиллик даражаси билан бир хил бўлиб у 2,1 га тенгдир. Туғилиш меъёри туғиш мумкин бўлган даврдаги ўртача битта аёлга тўғри келадиган болалар сони ифодалайди ва у болалар ўлимини эътиборга олган холда ахолини ўрнини тўлдиришни таъминлайди.

Энг юқори туғилиш 1000 кишига 52 та Кенияда ва энг кам туғилиш 1000 кишига 10 киши Данияда хисобланади. Данияда ахоли йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Туғилишни табиий кўпайиш билан янглиштирмаслик лозим. Табиий кўпайиш ушбу даврдаги туғилишларнинг ўлимлардан юқори булишини англатади. Мухим кўрсаткичлардан бири бўлиб ўсиш хисобланади ва у табиий кўпайиш хамда асосий ахолига нисбатан фоизларда ифодаланган соф миграция натижасида юзага келади.

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Сегментлаштириш стратегиясининг моҳияти нимадан иборат?

2. Маркетинг стратегиясида сегментлаштиришни қўллашнинг моҳияти нимадан иборат?

3. Демографиядаги тенденцияларнинг макротахлили деганда нимани тушунасиз?

4. Микромаркетинг даражасида тенденцияларни тахлил килиш деганда нимани тушунасиз?

5. Акционерлик капиталининг усиши ва фойдани оширишнинг ахамияти нималарда ифодаланади?

6. Истеъмол бозорлари ўзгараётган структурасининг моҳияти нимадан иборат?

7. Истеъмол географиясининг ўзгариши деганда нимани тушунасиз?

@IDU_ARM

3-БОБ. ГЛОБАЛ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРЛАРИ: СТРУКТУРАСИ ВА СТРАТЕГИЯЛАРИ

1. Глобал маркетинг тушунчаси.
2. Глобал маркетинг структураси.
3. Иқтисодий ресурслар ва бозорни жалб этувчанлиги.

1.Глобал маркетинг тушунчаси

Этноцентризм ёки ўз усулига асосан амал қилишга эътиборни жамлаш ва бунда дуне мамлакатларининг амал қилишига кам сезгир бўлиш ёки кам қизиқиш – касаллик бўлиб, у кўплаб кишиларга, шу жумладан америка ташкилотларини бошқарувчиларига хам юқмоқда. Шу билан бир қаторда бу касаллик хавфли бўлиб ўлимга олиб келиши мумкин ва бундай «этноцентрик менежер» йўқ бўлиб кетиш холатида турибди.

Хозирги кунда замонавий ташкилотларнинг маъсулиятли лавозимига глобал фикрлай олмайдиган менежерларни тайинлаш мумкин эмас. Глобал фикрлаш мамлакат чегарасидан ташқарида бўлган бозорларни тушунишни ўз ичига олади ва бунда қўйидаги жиҳатларга эътибор берилади:

1. Талаб манбалари.
2. Таклиф манбалари.
3. Самарали маркетинг ва менежмент методлари.

Маркетингни глобаллашуви барча даражадаги менежерлардан замонавий бозорларни тавсифлайдиган асосий кучларни билишни талаб қилади. Майкл Портер глобализация ва халқаро рақобатга таъсир этувчи қўйидаги омилларни кўрсатиб ўтган:

1.Маркетинга ёндошув, инфраструктура ва тақсимот каналларида мамлакатлар ўртасидаги ўхшашликнинг ортиб бориши.

2. Глобал қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ўзгарувчанлиги. Миллий қимматбаҳо қоғозлар бозорлари мамлакатлар орасидаги катта капитал оқимлари натижасида глобал қимматбаҳо қоғозлар бозорларига айланиб бормоқда.

3. Технологик реструктуризация. Технологик революциялар натижасида жаҳон бозоридаги рақобат шаклларининг ўзгариши.

4. Технологияларнинг интеграциялаш роли. Товарлар баҳосининг пасайиши ва технологиклигининг ошиши бутун дуне бўйича ката миқдордаги истеъмолчиларга улардан фойдаланиш имконини яратмоқда.

5. Янги глобал рақобатчилар. Рақобатнинг анъанавий миллий рақобатчилардан глобал кўламга силжиши.

2. Глобал маркетинг структураси.

Дунё ахолиси йилига 1,7 % катталикда ўсиб бормоқда. Демографлар планетамизда ахолининг ўртача ўсиш суръатлари XXI аср охирига яқинлашган сари камайиб боришини таъкидлашмоқда. Бироқ ўсиш суръатларининг камайишига қарамай ахоли сони ўсиб бормоқда ва хар йили ўртача 86 миллион кишига кўпаймоқда.

Мамлакат ахолининг сонига туғилиш ва ўлим даражаси хамда миграция даражаси каби табиий омиллар таъсир этади. Индустриал ривожланган мамлакатларда туғилиш даражаси камайиб бормоқда. Бу холатнинг сабаби бўлиб, юқори маълумот даражаси, урбанизация, турмуш даражасининг ўсиши, аёллар бандлигининг ошиши, никохларни ва болалар туғилишининг кечиктирилиши ва бошқалар хисобланади. Ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга эмиграция тез усиб бормоқда.

Ахолишуносликнинг мухим тенденциялари куйидагилардан иборатдир:

- ривожланган мамлакатларда фертилликнинг такрор ишлаб чиқариш даражасидан паст даражага тушиб кетиши;
- ривожланаётган мамлакатларда фертилликнинг камайишига қарамай тез ўсишнинг мавжудлиги;
- кам ривожланган мамлакатлардаги тез урбанизация ва ахолининг кам ривожланган мамлакатлардан юқори ривожланган мамлакатларга миграцияси.

Ўсишга йўналтирилган фирмалар акционерлик капиталини кенгайтиришга харакат қилишади ва бунда улар истеъмолчиларни ўрганувчи тахлилчиларга мурожаат қилишади. Истеъмолчиларни ўрганувчи тахлилчилар кенг қамровли бозорнинг имкониятли сегментларини топишга ёрдам беришади ва бу сегментларнинг ресурслари фирмаларга ўсишга эришиш имконини беради.

@IDU_ARM

Бундай ўсишга эришиш учун ахолишуносликнинг дунё тенденцияларининг аниқ прогнози зарур бўлади.

Айрим мамлакатларда ахолининг тез ўсиши прогнозлаштирилмоқда ва бу холат 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

Ахоли сони буйича мамлакатлар тартиби

1950 йил	1987 йил	2025 йил	2050 йил
1. Хитой	1. Хитой	1. Хитой	1. Хиндистон
2. Хиндистон	2.Хиндистон	2. Хиндистон	2. Хитой
3. ССЖИ	3. ССЖИ	3. МДХ	3. Нигерия
4. АқШ	4. АқШ	4. Индонезия	4. Покистон
5. Япония	5. Индонезия	5. Нигерия	5. МДХ
6. Индонезия	6. Бразилия	6. АқШ	6. Бразилия
7. Бразилия	7. Япония	7. Бразилия	7. Индонезия
8.Буюк Британия	8. Нигерия	8. Покистон	8. АқШ
9./арбий Германия	9. Бангладеш	9. Бангладеш	9. Бангладеш
10. Италия	10. Покистон	10. Эрон	10. Эрон
11. Бангладеш	11. Мексика	11. Эфиопия	11. Эфиопия
12. Франция	12. Вьетнам	12. Мексика	12. Мексика
13. Нигерия	13. Филиппин	13. Филиппин	13.Филиппин
14. Покистон	14. Шарқий	14. Вьетнам	14. Вьетнам
15. Мексика	Германия	15. Япония	15. Кения
16. Испания	15. Италия	16. Миср	16. Зоир
17. Вьетнам	16. Буюк	17. Туркия	17. Миср
18. Польша	Британия	18. Зоир	18. Танзания
19. Миср	17. Франция	19. Кения	19. Туркия
20. Филиппин	18. Таиланд	20. Таиланд	20. Япония
21. Туркия	19. Туркия	21. Танзания	21. Саудия
22. Жанубий	20. Миср	22. Бирма	Арабистони
Корея	21. Эрон	23. ЖАР	22. Таиланд
23. Эфиопия	22. Эфиопия	24. Судан	23. Уганда
24. Таиланд	23. Жанубий	25. Жанубий	24. Судан
25. Бирма	Корея	Корея	25. Бирма
26. Шарқий	24. Испания	26. Франция	26. ЖАР
Германия	25. Бирма	27. Буюк	27. Сурия
27. Аргентина	26. Польша	Британия	28. Марокко
28. Эрон	27. ЖАР	28. Италия	29. Жазоир
29. Югославия	28. Зоир	29. Германия	30. Ироқ
30. Руминия	29. Аргентина	30. Уганда	
	30. Колумбия		

2-жадвалдан кўриниб турибдики 1950 йилда ахолиси зич жойлашган 15 мамлакатдан фақат 8 таси ривожланаётган мамлакатлар бўлган. хозирги кунда уларнинг сони 10 тага тенг ва 2050 йилда улар сони 13 тага тенг бўлади хамда ахолиси зич жойлашган 30 та мамлакатдан фақат 3 таси индустриал ривожланган мамлакат бўлади. Бу холат бир неча ўн йилликлардан сўнг жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. 2025 йилга келиб Эрон ва Эфиопия катта мамлакатлар қаторига қўшилади, Япония эса 17 ўриндан 20 ўринга тушиб кетади. Истеъмолчиларни тахлил этувчилар ўз эътиборларини Нигерия ва Покистонга қаратишлари лозим, чунки улар ахоли сони буйича 1950 йилда 13 ва 14 ўринларда бўлишган, 2050 йилга бориб 3 ва 4 ўринларни эгаллашади. Лотин Америкаси мамлакатлари ичида Бразилия келгусида дастлабки ўнлик ичида ўз ўрнини сақлаб қолади.

Ахолининг харид қобилияти тарихан Шимолий Америка, Европа ва Японияда мужассамлашган эди. Бироқ яқин келгуси йилларда ушбу мамлакатлар ахолининг камайишини ёки унча кўп бўлмаган ўсишини кўтишмоқда. АҚШ, Канада, Исроил ва Австралия каби индустриал ривожланган мамлакатларда ахоли салмоғи бутун ер юзи буйича 1985 йилда 15 % ни ташкил этган бўлса, 2100 йилда 5% ни ташкил этиши кутилмоқда. Прогнозларга кўра Европа хамжамияти мамлакатлари ахолиси 1993-2010 йилларда секин ўсади. Европанинг айрим мамлакатларида ахолининг хақиқий камайиши кутилмоқда (масалан, Италия, Германия, Болгарияда), шу даврнинг ўзида Япония ахолиси прогнозларга кўра АҚШ ва Канада ахолисининг ярмига тенг миқдорда ўсиши кутилмоқда.

Энг кўп ахолиси бўлган мамлакатни излаш ўз фойдасини оширишни хохлаётган компаниялар олдида тўрган ягона муаммо хисобланмайди. Бозор нуқтаи назаридан, келгусида ўз товарлари учун ўсувчи бозорларга эга бўлишни хохловчи ривожланган мамлакатлар учун энг катта муаммо кам ривожланган мамлакатларга уларнинг иқтисодиётлари иқтисодий жихатдан кучли булиши учун ёрдам бериш хисобланади.

@TDIU_ARM

3. Иқтисодий ресурслар ва бозорни жалб этувчанлиги.

Аҳолиси ва иқтисодий кўрсаткичлари ўсаётган мамлкатлар янада жалб этувчан хисобланади. Иқтисодий ресурсларни ёки харид қилиш қобилиятини турли хил усуллар билан хисоблаш мумкин. Мухим кўрсаткич бўлиб ахоли жон бошига тўгри келувчи даромад (бирок бу ерда кайси валютада хисоблаш муаммоси мавжуддир ва мамлакат ичидаги харид даромадининг харид кобилияти хисобланади. Мухим параметрлардан булиб – стандарт истеъмол товарларини харид килиш учун кетган вактининг соатларда ифодаланган микдори хисобланади. Масалан, АқШда уртача иш хакига эга булган истеъмолчилар телевизор сотиб олишлари учун 11 соат, айрим ривожланатган мамлакатларда эса 11 ой ишлашлари лозим. Афсуски бозор тахлиллари учун бундай маълумотларни олиш хар доим хам мумкин булмайди.

Харид қобилиятининг фойдали курсаткичи булиб мамлакатдаги ахолии жон бошига тугри келадиган ялпи миллий махсулот ёки ялпи ички махсулот хисобланади. Статистика маълумотлари мамлакатлар уртасида таксимот вариациясини курсатмаса хам, одатда ахоли жон бошига тугри келувчи ЯММ ва ЯИМ бозорни жалб қилучанлиги курсаткичлари сифатида ишлатилади.

Бозорни жалб этувчанлигини яна уч курсаткич – табиий усиш (тугилиш ва улиши эътиборга олган холда ахолининг йиллик фоизда усиши), кутилаетган хаетнинг давомийлиги ва шахар ахолисининг сони (умумийга нисбатан фоизда) билан тавсифланади.

Ахолиси усаетган ва юкори харид кобилиятига эга булган бозорларни излаш купинча фирмаларни тинч океани минтакасига олиб келади. Гонконг, Сингапур, Малайзия ва жанубий Кореяда Европага қараганда ахоли усиши ва нисбатан юкори даромадлар мавжуд. Хитой ва Хиндистон ахолисининг сони ва тез усиши билан савдогарларни жалб килади. Ушбу мамлкатларда ЯММ пастлиги савдо учун камчилик хисоблансада, бирок уларнинг ресрсларидан фойдаланувчи фирмалар учун устунлик хисобланади.

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Глобал маркетинг тушунчаси нима?
2. Этноцентризм нима?
3. Глобал фикрлашнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Глобал фикрлашда эътибор бериладиган жихатлар нима?
5. Глобализация ва халқаро рақобатга таъсир этувчи қўйидаги омилларнинг моҳияти нимадан иборат?
6. Глобал маркетинг структураси деганда нимани тушунасиз?
7. Мамлакат ахолининг сонига таъсир этувчи табиий омилларнинг моҳияти нимадан иборат?
8. Ахолишуносликнинг мухим тенденциялари нималардан иборат?
9. Ахолининг харид қобилияти деганда нимани тушунасиз?
10. Иқтисодий ресурслар деганда нимани тушунасиз?
11. Харид кобилиятининг фойдали курсаткичи деганда нимани тушунасиз?
12. Бозорни жалб этувчанлиги деганда нимани тушунасиз?

@TDIU_ARM

4-БОБ. ИСТЕЪМОЛЧИ ТОМОМНИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ

1. Қарор қабул қилиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Қарор қабул қилиш жараёнининг модели.
3. Қарор қабул қилиш жараёнининг типлари.

1. Қарор қабул қилиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари

Хар куни истеъмолчи томонидан куп марталаб қабул қилинадиган турли-туман қарорларни қўйидагича кўз олдимизга келтиришимиз мумкин:

Нисбий харидлар:

- харид қилиш ёки тежаш;
- қачон харид қилиш;
- нимани харид қилиш (нави ва сифати);
- қаерда харид қилиш;
- тўлов шакли.

Нисбий истеъмол:

- истеъмол қилиш ёки қилмаслик;
- қачон истеъмол қилиш;
- қандай истеъмол қилиш.

Маҳсулотлардан озод бўлиш борасида:

- оддий ташлаб юбориш;
- қайта ишлаш;
- қайта сотиш (ремаркетинг, фойдаланилган буюмларни сотиш).

Кўп йиллар давомида тадқиқотчилар ва мутахассислар танлов жараёнидаги айрим инсоннинг хатти-харакатини ўрганиш бўйича кўплаб амалий ва назарий тадқиқотларни олиб боришган. Бу йўналишда қарор қабул қилиш жараёнини муҳим муаммолардан бири сифатида қарайдиган Джон Дьюининг фикрлари алоҳида ўринга эгадир. Муаммони ечиш деганда эхтиёжни қондирилишига эришиш учун қаратилган фикрланган ва кетма-кет харакатлар тушунилади.

Сунгги танловга ички мотивация ва жамоатчилик фикри хамда бозор фаоллиги каби ташқи омиллар таъсир этиши мумкин. Инсонлар қандайдир тарзда бу барча омиллар таъсирида танловни амалга оширишади хамда улар учун мантиққа эга ва кетма-кет бўлган қарорларни қабул қилишади.

Айрим холларда харидорлик қарори маҳсулот сифатининг пухта тортилган ва амалий (функционал) баҳосини ўз ичига олади. Кўпинча «оқилона қарор қабул қилиш» ибораси ушбу ҳолат учун тааълуқли бўлади. Бошқа ҳолатларда эмоционал танлов устун келади ва харид объекти қониқиш, фантазия ва эстетик баҳолаш нуқтаи назаридан расман кўриб чиқилади. Харид ва истеъмол одатда амалий ва эмоционал жиҳатларни акс эттиради.

«Муаммони ечими» мавзусига кенг назар ташлаш ўз ичига истеъмолчи хулқ-атвлори барча типларини ва мотивацион ва бошқа омилларнинг кенг қисмини олади. Умумий кўринишда истеъмолчи қарори қўйидаги босқичлардан ўтади:

1. Эҳтиёжларни англаш – хозирги ҳолат ва кутилаётган ҳолат ўртасидаги фарқ. қарор қабул қилиш жараёнини фаоллаштиради ва рағбатлантиради.

2. Ахборотларни қидириш – хотирадаги ахборотларни излаш (ички излаш) ёки излаш предметига тааълуқли бўлган ташқи ахборотлардан фойдаланиш (ташқи излаш).

3. Хариддан олдинги вариантларни баҳолаш – кутилаётган фойда ва мақбул бўлган вариантгача танловни чеклаш нуқтаи назаридан муқобилларни баҳолаш.

4. Харид – мақбул бўлган маҳсулот вариантини ёки ўрнини босувчи маҳсулотни харид қилиш.

5. Истеъмол – харид қилинган маҳсулотни истеъмол қилиш.

6. Хариддан кейинги вариантларни баҳолаш – хариддан қай даражада қониқиш олинганлигини баҳолаш.

7. Озод бўлиш – фойдаланилмаган ёки фойдаланилган маҳсулот қолдиқларидан озод бўлиш.

@TDIU_ARM

2.Қарор қабул қилиш жараёнининг модели

Модель - реал воқеа ходисаларни акс эттирувчидир. Моделда асосий блоклар (ўзгарувчилар) ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундай типдаги моделлар бир қатор устунликларга эгадир:

1. Истеъмолчи хулқ-атворини тушунтириб беради. Ўзгарувчилар ва ҳолатларни ўзгарганда нима бўлаётганлигини визуал тушуниш мумкин.

2. Тадқиқот учун координаталар тизимини беради. Билим ва тушунишдаги камчиликлар аниқ бўлмоқда ва устивор тадқиқот йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Модель бундан ташқарии алоҳида тадқиқот лойиҳаларини бир-бири Билан таққослаш имконини беради.

3. Ахборот менежменти учун фундамент бўлиб ҳисобланади. Моделдан тўғри фойдаланиш харид тўғрисида қарор қабул қилишнинг турли жараёнларини тушуниш учун зарур бўлган ахборот типларини очиб беради ва маркетинг стратегиясини ўзига хос хусусиятларини аниқлайди.

Қарорларни қабул қилишнинг бошланғич босқичи эҳтиёжларни англаш ҳисобланади. Эҳтиёжларни англаш жараёни 1-чизмада келтирилган.



1- чизма. Эҳтиёжларни англаш.

Харид тўғрисида қарор қабул қилиш кўплаб омилларга боғлиқдир:

1.Индивидуал фарқлар;

2. Атроф муҳит таъсири;

3. Психологик жиҳатлар.

Истеъмолчи хулқ-атворига индивидуал фарқларнинг бешта асосий тоифаси таъсир қилади:

- истеъмолчининг имкониятлари;
- билим;
- муносабат;
- мотивация;
- индивидуаллик, қимматдорлик ва турмуш тарзи.

Харидорлар кўп таркибли муҳитда яшашади. қарор қабул қилиш жараёнида уларнинг хулқ-атвори қўйидагича аниқланади:

- маданият;
- ижтимоий ҳолати;
- шахсий таъсир этиш;
- оила, холат.

Истеъмолчини тушуниш ва унга таъсир этиш учун учта асосий психологик жараён тўғрисида амалий билимларга эга бўлиш лозим:

- ахборотни қайта ишлаш;
- ўқитиш;
- муносабатни ўзгартириш ва хулқ-атвор.

Бу ҳолат инсон томонидан хохлаган вақт давомида хақиқий ҳолат билан идеалдаги ҳолатни таққослаганда юзага келади. Бошқача қилиб айтганда бу хохишнинг шундай ҳолатики, бунда қарор қабул қилиш жараёни амалга оширилади ва у ўз навбатида қимматдорликлар, эҳтиёжлар, муҳит ва алоҳида ижтимоий ўзаро таъсир каби индивидуал фарқлар билан ўзаро таъсир орқали амалга ошади. Муаммони англашнинг асосий манбаи бўлиб, эҳтиёжларни юзага келиши ҳисобланади.

@TDIU_ARM

3. Қарор қабул қилиш жараёнининг типлари

Барча вариантларни таҳлил қилишнинг йўлларидан бири – бу қарор қабул қилиш жараёнининг барча комплексининг континиумини тасаввур қилишдир. Харидорлар у ёки бу маҳсулот бўйича биринчи марта қарор қиладиган шароитда, барча харакатлар муаммони ечишнинг маълум бир таниқли шаклига асосланиши лозим бўлади. Ушбу жараён жуда мураккаб бўлган шароитда, у муаммони кенгайтирилган ҳал этилиши (МКҲЭ)деб номланади. Муаммони чекланган ҳал этилиши (МЧҲЭ) эса кам даражада мураккаб бўлади. қўлайлик учун континиумнинг ўрта қисмига ўрта муддатли муаммони ҳал этилишини қўямиз.

Дастлабки қарор мураккаб бўлса (МКҲЭ) харид қилиш схемаси маркага содиқликка таянади. Бироқ муаммони чекланган ҳал этилиши (МЧҲЭ) инерция бўйича ҳаракатланиш одатига олиб келади.

қарор қабул қилиш жараёни юқори даражада деталлаштирилган бўлса, бунда муаммони кенгайтирилган ҳал этилиши (МКҲЭ) муқаррар бўлади.

Муаммони кенгайтирилган ҳал этилишидан (МКҲЭ) одатда янги автомобиль, қиммат кийимлар, стереоаппаратура ва бошқа қиммат товар ва хизматлар харидорлари фойдаланишади, чунки бунда хато қарорларнинг баҳоси ва таваккалчилиги каттадир. Харидор тўғри танловни амалга ошириши мўҳим эканлиги учун, харид жараёнига фикрлаш ва баҳолаш холатлари хамроҳ бўлади.

Қабул қилинадиган қарорлар континиумининг энг чекка нуқтаси муаммони чекланган ҳал этилиши (МЧҲЭ) ҳисобланади. Кўпчилик ҳолларда харидорларнинг кўп фикрлаш учун вақти ҳам, маблағи ҳам, хохиши хам бўлмайди. қоидага кўра жараён максимал соддалашади ва ахборот манбалари сони, муқобиллар ва танлаш мезонлари кескин камаяди.

Харид олдидан минимал ахборот ва баҳолашдан фойдаланишади. Бошқача қилиб айтганда эхтиёжларни англаш харид қилишни амалга оширишга олиб келади, харид ката қизиқиш ўйғотмаганлиги сабабли кўп миқдордаги ахборотлар талаб қилинмайди. Бироқ рақобатбардош фарқланувчи товарни таклиф этувчи хохлаган товар етказиб берувчи вақтинчалик устунликка эга бўлиши мумкин.

(МКҲЭ) ва (МЧҲЭ) лар қарор қабул қилиш жараёни континиумининг энг чека нуқталари бўлиб ҳисобланади, бироқ улар ўртасида қарорларнинг кенг хажмда жойлашиши мумкин.

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Қарор қабул қилиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари деганда нимани тушунасиз?
2. Нисбий харидлар қарорлар деганда нимани тушунасиз?
3. Нисбий истеъмол қарорлар деганда нимани тушунасиз?
4. Маҳсулотлардан озод бўлиш борасида қарорлар деганда нимани тушунасиз?
5. Қарор қабул қилиш жараёнининг модели деганда нимани тушунасиз?
6. Модель деганда нимани тушунасиз?
7. Моделлар қандай устунликларга эга?
8. Қарор қабул қилиш жараёнининг типлари деганда нимани тушунасиз?
9. Қарор қабул қилиш жараёни континиуми деганда нимани тушунасиз?
10. Муаммони кенгайтирилган ечими деганда нимани тушунасиз?
11. Муаммони чекланган ечими деганда нимани тушунасиз?
12. Муаммони ўрта муддатли ечими деганда ниани тушунасиз?
13. Инерция бўйича харид қилиш деганда ниани тушунасиз?
14. Импульсив харид деганда ниани тушунасиз?
15. Муаммони кенгайтирилган ечимига таъсир этувчи омиллар деганда нимани тушунасиз?
16. Манфаатдорлик детерминантлари деганда ниани тушунасиз?

@TDIU_ARM

5-БОБ. ЭҲТИЁЖЛАРНИ АНГЛАШ ВА ИЗЛАШ

1. Эҳтиёжларни англаш.
2. Эҳтиёжларни излаш.
3. Эҳтиёжларни излашнинг кетма-кетлиги.

1.Эҳтиёжларни англаш

Эҳтиёжларни англаш жараёни истеъмолчи хулқ-атворини ўрганишда муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Эҳтиёжларни англаш жараёни хақиқий ҳолат (истеъмолчининг жорий ҳолати) билан кутилаётган ҳолат (истеъмолчи ҳоҳлайдиган ҳолат) ўртасидаги фарқнинг катталигига боғлиқдир. Қуйидаги 2-чизмада фарқланиш даражаси бўйича эҳтиёжларни англаш жараёни нуқталари келтирилган.



2-чизма. Фарқланиш даражаси бўйича эҳтиёжларни англаш жараёни нуқталари

Ушбу фарқ маълум даражага етганда ёки ундан ошганда эҳтиёж англанган дейилади. Масалан, истеъмолчи очликни ҳис қилади (хақиқий ҳолат) ва ушбу ҳисдан ҳоли ўлмоқчи (кутилаётган ҳолат) хамда қачон бу икки ҳолат орасидги фарқ етарли даражада ката бўлганда у овқатга бўлган эҳтиёжни сезади. Агар фарқ сезиш остонаси катталигидан паст бўлса, эҳтиёжни англаш юз бермайди.

2. Эҳтиёжларни излаш

Эҳтиёжларни англаш амалга ошганда, истеъмолчи уни қондириш усулларини қидириш билан машғул бўлади. Эҳтиёжларни излаш қарор қабул қилиш жараёнининг иккинчи босқичи бўлиб, уни хотирада сақланган билимларни мотивацияланган фаоллаштириш ёки ахборотни ташқи муҳитдан олиш сифатида қараш мумкин. Ушбу таърифга асосан эҳтиёжларни излаш ўз характерига кўра ички ёки ташқи бўлиши мумкин. Ички излаш ўз ичига билимларни хотирадан олишни кўзда тутса, ташқи излаш бозорда ахборотларни йиғишдан иборат бўлади.

Ички излаш эҳтиёжлар англанган кейин дарҳол бошланади. Бу ҳолат узоқ муддат давомида хотирада сақланган билимлар муаммоларини ҳал қилишга тааълуқли бўлган излашдир. Агар излаш натижасида харакатларни амалга ошишини қониқарли таъминлашга етарлича бўлган ахборот олинса, ташқи излаш зарур бўлмайди. Инсон илгари кўп марта қабул қилинган қарорларни эслайди ва бажаради. Масалан, бир тадқиқотда маълум бўлишича, автотаъмирлаш устахоналари хизматларига эҳтиёжи бўлган кўпчилик истеъмолчилар уларнинг ўзларида бўлган билимларга мурожаат қилишади ва фақат 40% эса ташқи излашга мурожаат қилишади.

Истеъмолчининг фақатгина ички излашга мурожаат қилиши кўп жиҳатдан уларда мавжуд бўлган билимларга боғлиқ бўлади. Маълум бир маҳсулотни биринчи марта харид қилувчи истеъмолчилар қарор қабул қилиши учун етарли даражадаги ахборотларга эга бўлмайдилар. Тажрибали истеъмолчиларга ҳам ташқи излаш зарур бўлиши мумкин. Тажрибали истеъмолчилар харид қилинган вақтидан куп вақт ўтган маҳсулотларга нисбатан ўз билимларини кам деб ҳисоблашлари мумкин, чунки ушбу буюмларнинг баҳоси ва кўрсаткичларда

@TDIU_ARM

етарлича ўзгаришлар бўлган бўлиши мумкин ҳамда янги савдо маркалари ва дўконлар пайдо бўлган бўлиши мумкин. Агар ушбу ўзгаришлар минимал тарзда бўлса ҳам ички излашга эсдан чиқариш ёки харидлар орасидаги ўзоқ танаффус халақит беради. Илгариги даврдагига нисбатан хозирги холдаги истеъмолчининг муаммолари фарқ қилса билимлар етарлича бўлмайди.

Илгариги хариддан қониқиш даражаси излаш турини танлашни белгилаб беради. Агар истеъмолчи илгариги харид натижаларидан қониққан бўлса, ички излашнинг ўзи кифоя қилади. Ушбу ҳолат одатдаги қарорларни қабул қилиш ҳолати учун тааълуқли булади. Бунда истеъмолчи хотираси бўйича илгари харид қилган маркани харид қилади.

3. Эҳтиёжларни излашнинг кетма-кетлиги

Излашнинг сунгги параметри бўлиб кетма-кетлик ҳисобланади ва у излаш фаолиятининг тартибини билдиради. Тадқиқотчилар учун маҳсулот хоссалари тўғрисидаги ахборотлар қай тартибда олиниши муҳим ҳисобланади. қаршиларида бир неча кўрсаткичлари бўйича тавсифланган маркалар ассортименти бўлган истеъмолчилар маркани излаш кетма-кетлигига мурожаат қилишлари мумкин. Маркани излаш кетма-кетлиги кўпинча маркага ишлов бериш ҳам деб номланади. Кейинги маркага ўтишдан олдин, ушбу марканинг турли кўрсаткичларини таҳлил қилишади. Бошқа усул бўлиб кўрсаткични излаш кетма-кетлиги (ёки хоссалари бўйича қайта ишлаш) бўлиб, марка тўғрисидаги ахборот «кўрсаткич кетидан кўрсаткич» схемаси асосида йиғилади. Масалан, истеъмолчи дастлаб хар бир марканинг баҳосини, кейин хар бир марканинг кафолатини ўрганади. Маҳсулотлар хоссалари тўғрисидаги ахборотлар талаб қилинадиган кетма-кетлик, қарор қабул қилиш қоидаларининг муҳим компоненти бўлиб ҳисобланади.

Истеъмолчи хулқ-атворини тадқиқ этувчи ташқи излашнинг бошланишида ахборот манбаи бўйича харид жараёнидаги унинг хулқ-атворини қисман аниқлаши мумкин. Маиший техника харидорлари хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар, Sears фирмаси жиҳозларини харид қилганлар ўз излашларини газета рекламаси ёки каталогдан бошлаган деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ мебел дўконларида қилинган харидлар, ҳолатни қариндошлар ва дўстлар билан

муҳокама қилиш натижасида бошланганини кўрсатади. Истеъмолчилар харид тўғрисида қарор қабул қилар экан турли манбалардан турлича фойдаланишади.

Излаш жараёнига таъсир этувчи нисбатан турлича бўлган омиллар бўйича ката миқдордаги тадқиқотлар мавжуддир. Истеъмолчи хулқ-атворини шаклланишида ахборот муҳити катта рол ўйнайди. Маълумки ташқи излаш ахборотларнинг ҳажми ва сифати билан чеклангандир. Тақдим этилган ахборотнинг формати ҳам излаш характерини ўзгартириши мумкин. Бу ҳолат шу далил билан тасдиқланадики, истеъмолчилар маҳсулот баҳоси тўғрисида нархномага эмас, балки прайс-листларга мурожаат қилишади.

Вақт босими – ҳолат таъсирининг яна бир бошқа омили ҳисобланади. Агар маҳсулотлар тўлдирилган совуткич бузилиб қолса, инсоннинг кенг ва шошмасдан излашни амалга оширишга вақти бўлмайди. Худди шундай ҳолат шаҳарга биринчи бор келган кишига хос бўлиб, яшаш жойи топиш учун унинг ихтиёрида фақатгина бир неча кун бўлади.

Истеъмолчининг излашига изланаётган маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам таъсир қилиши мумкин. Бунда маҳсулотни табақалаштирилганлиги катта аҳамиятга эга бўлади. Агар истеъмолчи барча маркалар бир хил деб фикрласа, унда ташқи излашнинг маъноси қолмайди. Истеъмолчи савдо маркаларини фарқлай бошлаши билан излашнинг фойдалилиги оша бошлайди.

Яна бир омил бу маҳсулотнинг баҳосидир. Ўта юқори баҳо харидда мужассамлашган молиявий тавакқалчиликка нисбатан кўплаб хавф-хатарларни юзага келтиради. Бу эса ўз навбатида кейинги излашларга олиб келади. Излашга товар тоифасининг барқарорлиги ҳам таъсир қилиши мумкин.

Хизматларнинг истеъмолчи томонидан излаш товарларни излашдан фарқ қилади. Хизматларни харид қилишда истеъмолчи ката тавакқалчиликни ҳис қилади ва шунинг учун уни камайтириш учун у ахборот учун бошқа манбаларга мурожаат қилиши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хизматларни харид тўғрисида қарор қабул қилиш учун истеъмолчилар қоидага кўра шахсий ахборот манбаларига таянишади.

@IDU_ARM

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Эҳтиёжларни англаш жараёни деганда нимани тушунасиз?

2. Фарқланиш даражаси бўйича эҳтиёжларни англаш жараёни нуқталари деганда нимани тушунасиз?

3. Эҳтиёжларни фаоллашуви деганда нимани тушунасиз?

4. Эҳтиёжларни излаш деганда нимани тушунасиз?

5. Ички излаш деганда нимани тушунасиз?

6. Ташқи излаш деганда нимани тушунасиз?

7. Излашнинг йўналиши деганда нимани тушунасиз?

8. Оммавий ахборот воситаларидаги нотижорат материаллари деганда нимани тушунасиз?

9. Эҳтиёжларни излашнинг кетма-кетлиги деганда нимани тушунасиз?

10. Эҳтиёжларни излаш детерминантлари деганда нимани тушунасиз?

6-БОБ. ХАРИД ОЛДИДАН ВАРИАНТЛАРНИ БАҲОЛАШ

1. Баҳолаш мезонлари.

2. Танланган вариантларни баҳолаш.

3. Қарор қоидасини танлаш.

1. Баҳолаш мезонлари

Баҳолаш мезонлари – вариантларни танлашда кўриб чиқиладиган аниқ кўрсаткичлардир. Автомашинани харид қилишда истеъмолчи хавфсизлик, ишончлилик, баҳо, марка, ишлаб чиқарган мамлакат, кафолат, ёнилғи сарфи каби омилларни кўриб чиқади.

Истеъмолчи баҳолаш учун мезонларни ва ўз характерига кўра янада гедонистик мезонларни танлаши мумкин, масалан, нуфуз ва мақом ёки автомобилни хайдашдан қониқиш ёки хаяжонланиш.

Баҳолашнинг муҳим мезонларидан бири бўлиб баҳо ҳисобланади. Бироқ турли хил истеъмолчилар ва маҳсулотлар учун баҳонинг аҳамияти бир хилда эмас. Шу сабабли истеъмолчининг баҳога сезгирлиги бозорни сегментлаштиришдаги муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб қолади. Бироқ ушбу омилнинг аҳамиятини кўпроқ баҳолашади. Супермаркет харидорларидан суров пайтида улардан хозиргина ўз саватларига солган маҳсулотлари неча пул туришини сўрашганда, уларнинг ярмидан камроғи тўғри жавоб беришган. Ушбу харидарларнинг ярмидан ками нархи туширилган товарни харид қилишганини айтишган. Барча харидорлар хам нархи туширилган товарни ёки баҳо ва сифатнинг энг яхши нисбатини излашмайди. қўлайлик ёки марканинг номи каби бошқа омиллар ҳам бунда катта аҳамиятга эга бўлади.

Харид тўғрисида қарор қабул қилувчи истеъмолчи учун буюмнинг савдо маркаси номи аҳамиятга эга бўлади. Марка номи кўпинча баҳолашнинг муҳим мезони сифатида қаралади, масалан, кечки костюмларни харид қилишда. Марка номи патент қилинган дори-дармонларни сотиб олишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай ҳолларда марка номи буюмнинг сифат кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Марка номининг истеъмолчилар томонидан буюмни баҳолашга таъсири тадқиқотлар орқали тасдиқлангандир.

@TDIU_ARM

Марка номининг истеъмолчи учун аҳамияти унинг сифатни қанчалик ифодалашига боғлиқдир. Масалан, бош оғриғи ёки шамоллашга қарши дори-дармонларни харид қилишда ўртача истеъмолчи уларнинг тозалиги ёки сифати тўғрисида фикр юрита олмайди. Шу сабабли марка номи сифат кўрсаткичининг ўрнини алмаштирувчи сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Марка номи унга мақом кўрсаткичи сифатида қаралганда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин ва истеъмолчини мотивацияси ушбу фикр-мулоҳазалар билан изоҳланади. Айрим истеъмолчилар учун соатлардаги «Rolex» номи ушбу буюмнинг физик хусусиятлари каби муҳимдир.

2.Танланган вариантларни баҳолаш

Харид олдидан вариантларни баҳолашнинг бошқа компоненти бўлиб асосий баҳолаш мезони бўйича танланган вариантларнинг кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳисобланади. Истеъмолчилар хар доим хам «хатоларсиз» вариантларни баҳолай олмайдилар. Купинча бу ҳолат истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш харакатига мурожаат қилишнинг сабаби бўлади.

Вариантнинг қанчалик тўғрилигини баҳолаш учун истеъмолчи кўпинча тўсиқ қўйиш методидан фойдаланилади. Тўсиқ қўйиш – мақбул бўлган кўрсаткичларни оддий қисқартириш ёки чеклашдир. Ушбу ҳолатни баҳо мисолида кўриб чиқамиз. Истеъмолчи товар учун маълум бир диапазонда тўлашга рози бўлади. Ушбу диапазон чеграсидан ташқарига чиқувчи баҳо мақбул бўлмайдиган деб ҳисобланади.

Тўсиқ қўйиш методи бошқа баҳолаш мезонлари учун ҳам ишлатилади. Истеъмолчи салқин ичимликларнинг барча маркаларини инкор қилиши мумкин. Бошқа истеъмолчилар эса калорияси белгиланган меъёрдан юқори бўлган хар қандай ичимликни инкор қилишади. Бошқа истеъмолчилар эса ичимлик таркибида маълум миқдорда мева шарбати бўлишини талаб қилишади.

Харид жараёнида истеъмолчи томонидан қарор қабул қилишда фойдаланиладиган тўсиқлар пировард танловга таъсир этади. Шу сабабли маркетинг бўйича мутахассиснинг ушбу холатни тушуниши муҳимдир. Тўсиқ

қўйилган савдо маркаси унинг бошқа кўрсаткичлар бўйича тавсифномаси қанчалик яхши бўлмасин истеъмолчи томонидан инкор этилиши мумкин.

Танлаб олинган вариантлар тўғрисидаги фикрлар имо-ишоралар ёки сигналларга боғлиқ бўлиши мумкин. Истеъмолчилар импорт дори-дармонлари сифати тўғрисида фикр юритишганда кўпинча марка номига эътибор беришади. Кафолатларни буюмнинг сифати сигналлари сифатида караш мумкин. Турли хил гилам поёндозларни баҳолашда истеъмолчи ўзини бу соҳада кам билимларга эга эканлигини ҳис қилиши мумкин. Шу сабабли истеъмолчи кафолатни сифатга кўрсатма сифатида қабул қилади. Ишончли кафолатларни таклиф этувчи компаниялар ўз рақобатчилари олдида устунликка эга бўлишади. Бироқ компаниялар хар доим хам бундай ишончли кафолатларни бера олмайдилар. Ушбу холатни Wirlpool компанияси мисолида кўриб чиқамиз (3-жадвал).

3-жадвал.

	Харакатга келтирувчи билан		Харакатга келтирувчисиз		
	Иш	Деталлар	Иш	Деталлар	Корпусдаги занг
Amana	5 йил	10 йил	1 йил	2 йил	5 йил
Frigidaire	1 йил	5 йил	1 йил	1 йил	1 йил
GE/Hotpoint	1 йил	5 йил	1 йил	1 йил	1йил
Kenmore	1 йил	5 йил	1 йил	1 йил	1 йил
Maytag	1 йил	10 йил	1 йил	2 йил	5 йил
Wirlpool	1 йил	5 йил	1 йил	1 йил	1 йил

Қайси кир ювиш воситаси яхши? Буни аниқлаш учун «Consumer Report» журнали турли хил кўрсаткичлар бўйича 16 марканинг рейтингини чоп этди: тўлдириш хажми, сув ва энергиядан фойдаланиш самарадорлиги, баланслашмаган юк билан машинанинг ишлай олиш қобилияти ва х.к. Журналда энг юқори рейтингни Wirlpool Corp. компанияси олганлиги эълон қилинди. «Wirlpool» машинасидан ташқарии компания «Sears' Kenmore» ва «KitchenAid»

@IDU_ARM

машиналарини ишлаб чиқаради. Ушбу барча маркалар рейтингда юқори ўринларни эгаллашди. Агар истеъмолчи «Consumer Report» журналидаги рейтингни ўқимаган бўлса қандай холат юзага келади? «Amana» Кир ювиш воситаларини ишлаб чиқарувчи фирма чакана савдога жўнатиладиган тест натижасига асосланган ахборотни ўз маҳсулотларига илова қилади.Ушбу ахборотга асосланган ҳолда истеъмолчилар «Consumer Report» журналига қараганда умуман бошқа фикрга келишади. Wirlpool кучсиз сигнал оқибатида кўп сотиш хажмини йўқотишини тасаввур қилиши мумкин.

Истеъмолчининг маҳсулот сифати туғрисида фикр юритишда ишлатадиган сигналнинг яна бошқа бир типи бўлиб баҳо ҳисобланади. Жуда арзон бўлган атир-упаларни ишлаб чиқарадиган линияни ишга туширган косметика фирмасининг тажрибасини кўриб чиқамиз. Атир-упалар савдоси амалда бўлмади ва линия бозордан чиқарилди. Бироқ бир оз вақтдан кейин ушбу линияни юқори баҳода ишга туширишганда маҳсулотлар сотила бошлади. Нима учун бундай ҳол юз берди? Чунки истеъмолчилар баҳони сифат тўғрисидаги сигнал сифатида қабул қилишди ва улар ёмон сифатли атир-упалардан фойдаланиб таваккал қилмоқчи эмаслар. Бироқ маълум бир холатларда истеъмолчиларда баҳо сифат билан уйғунлашмайди. Шуни таъкидлаш лозимки баҳо-сифат алоқасини англаб етган истеъмолчилар учун жуда қиммат таклифлар устунликка эга бўлади. Лекин бундай қабул қилиш ўз маҳсулотларини арзон баҳода таклиф қилувчилар учун максадга мувофиқ эмасдир. Бундай ҳолда маҳсулотларни арзон баҳода сотувчи рақобатчиларнинг вазифаси истеъмолчининг баҳога сифат кўрсаткичи сифатида ишонч билан қарашини йўқотишдир.

3. Қарор қоидасини танлаш

Харид олдидан вариантларни танлаш жараёнининг сунгги элементи бўлиб қарор қоидаси ҳисобланади. қарор қоидаси истеъмолчи томонидан сунгги танловни қабул қилишдаги стратегияни англатади. қарор қоидалари диапозони кам вақт сарфларига эга бўлган соддалаштирилган жараёнлардан тортиб жуда мураккаб ва меҳнат талаб қиладиган сай-харакатлар билан боғлиқ бўлган жараёнларлар ҳисобланади.

Кундалик (оддий) танловда қарор қоидаси жуда оддийдир: «Ўтган йили харид қилган маркани яна сотиб оламан». Танлов хар доимгидай бўлмаган тақдирда хам истеъмолчи соддалаштирилган қарор қоидаларини қабул қилиши мумкин, масалан: «Энг арзонини харид қиламан» ёки «Эрим яхши кўрадиган маркани харид қиламан». Бу холат шунинг учун пайдо бўладики, истеъмолчи доимо ушбу қарорни амалга ошириш учун зарур бўлган унда мавжуд бўлган вақт ва сай-харакат миқдори билан «энг яхши» маркани харид қилиш истаги орасида бўлади. Кўпчилик ҳолларда истеъмолчилар минимал вақт сарфлари ва сай-харакатлари шароитида қониқарли натижа берувчи қоидаларга амал қилишади. Бундай соддалаштирилган қоидалар, муҳимлиги ёки манфаатдорлиги даражаси бўйича нисбатан паст бўлган такрорланадиган товар танлови учун қўлланилади.

Қарорларнинг компенсация қилинмайдиган қоидалари буюмнинг кучсиз томонлари унинг кучли томонлари билан компенсация қилинмаслиги билан тавсифланади. Ушбу холатни қуруқ нонушталар мисолида кўриб чиқамиз. Ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларнинг соғлом овқат харид қилиш хохишига қараб, маҳсулотлардаги туз ва ёғ миқдорини камайтиришади. Агар ушбу қўшимчалар жуда кам миқдорда бўлса қуруқ нонушталарнинг таъми ёмонлашади. Модификациялашган маҳсулот озуқавий хоссалари бўйича устун турсада, бу холат таъмнинг камчилигини тўлдира олмайди.

Қарорларнинг компенсация қилинмайдиган қоидаларининг уч типии мавжуддир: лексикографик, мустасно (жиҳатларни камайтириш, аралаш тип.

Лексикографик усулда қарорлар дастлаб маркаларнинг энг муҳим кўрсаткичлари бўйича таққосланади. Агар бирор бир марка ушбу кўрсаткич кўрсаткич бўйича энг яхши деб топилса, бу танлаб олинади. Агар икки ёки ундан ортиқ марка бир хил деб топилса, улар бошқа бир муҳим кўрсаткич бўйича таққосланадилар. Бу жараён улар орасидаги алоқа узилмагунича давом этади.

Мустасно (жиҳатларни камайтириш) усулининг лексикографика усули билан яқин томонлари мавжуддир. Маркалар дастлаб энг муҳим кўрсаткичлар бўйича баҳоланадилар. Бу усулда истеъмолчи истеъмолчи ниманидир олиб

@IDU_ARM

ташлайди. Масалан, истеъмолчи «2$ дан қиммат бўлмасин» ёки «Мазали бўлиши шарт» деб тўсиқ қўяди.

Лексикографик усулда қарорлар қабул қилиш қоидаларини 4-жадвал асосида кўриб чиқиш мумкин.

4-жадвал.

Лексикографик усулда қарорлар қабул қилиш қоидалари

Кўрсаткич	Кўрсаткичнинг муҳимлилик даражаси	А маркаси	Б маркаси	В маркаси	Г маркаси
Таъми	1	Аъло	Аъло	Жуда яхши	Аъло
Баҳоси	2	Жуда яхши	Яхши	Аъло	Қониқарли
Тўйимлилиги	3	Яхши	Яхши	Ёмон	Аъло
Қулайлилиги	4	қониқарли	Яхши	Аъло	Аъло

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Баҳолаш мезонлари деганда нимани тушунасиз?
2. Муҳим омиллардан бири бўлган баҳонинг аҳамияти нимадан иборат?
3. Истеъмолчи учун марка номининг аҳамияти нимадан иборат?
4. Истеъмолчи учун ишлаб чиқарувчи мамлакат қандай аҳамиятга эга?
5. Танланган вариантларни баҳолаш деганда нимани тушунасиз?
6. Сигналлардан фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?
7. қарор қоидасини танлаш деганда нимани тушунасиз?
8. қарор қабул қилишнинг компенсация қилинмайдиган қоидалари деганда нимани тушунасиз?
9. Лексикографика деганда нимани тушунасиз?
10. қарор қабул қилишнинг компенсация қилинадиган қоидалари деганда нимани тушунасиз?
11. Харид олдидан вариантларни баҳолашнинг маркетинг учун аҳамияти нимадан иборат?

7-БОБ. ХАРИД ҚИЛИШ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

1. Харид тўғрисида қарор қабул қилиш.
2. Харид манбасини танлаш.
3. Тўғридан-тўғри маркетинг методлари.

1.Харид тўғрисида қарор қабул қилиш

Харид жараёнида бир қатор саволлар юзага келади:

1) харид қилишга арзийдими;
2) қачон харид қилиш керак;
3) нимани харид қилиш керак;
4) қаерда харид қилиш керак;
5) қандай харид қилиш керак.

Биринчидан, харид қилишни амалга ошириш бўйича барча хохишлар хам амалга ошавермайди, чунки истеъмолчиларда харид жараёнини тўхтатиш учун хама вақт имконият бўлади. Истеъмолчига қўйидаги омиллар халақит бериши мумкин:

- мотивацияни ўзгариши – фаоллаштирилган эхтиёж бошқа йўл билан ёки бошқа хохишлар устун бўла бошлашади;
- ўзгарган шароитлар – иқтисодий фикр-мулохазалар ёки бошқа омиллар харидни ушбу холатда амалга оширишга имкон беришмайди;
- янги ахборот – вариантни олдинги бахолаш энди тўлиқ бўлмайди;
- хохлайдиган бошқа вариантлар йўқ - кутилмаган тақчиллик.

Харид қилиш вақтини хам эътиборга олиш лозим. Айрим товарлар кўпинча «мавсум бўйича» харид қилинади. Масалан, вентиляторлар, янги йил совғалари, Кариб денгизи бўйлаб круизлар. Бошқа товарлар, масалан, кир ювиш воситалари ва музлатилган махсулотлар, кўпинча уларнинг захиралари тугаганда харид қилинади. Харид қилиш кўпинча тугалланмаган, тузатишлар киритишни талаб қиладиган жараён бўлиб, қандай вариантни танлаш тўғрисидаги ахборотларни излашни талаб қилади. Бу холат харид қилиш жараёнидаги асосий мотивация ҳисобланади. Харид қилиш жараёнидаги хулқ-атвор ўзгариб бормоқда. Хозирги кунда «дўконларга борувчи» харидорлар сони камаймоқда. Харид жараёни -

@TDIU_ARM

қарор қабул қилиш жараёнининг тўртинчи босқичи бўлиб, у бир қатор босқичлардан иборатдир. Харид қилиш жараёнидаги қарорларни қабул қилиш модели - чизмада келтирилган.

Истеъмолчи қаерда харид қилишни ўзи танлайди. Масалан, дунёдаги ривожланаётган мамлакатлар учун хонадонда харид қилиш кенг тарқалгандир. Кўпчилик чакана сотувчиларни рақобат тўғридан-тўғри маркетинга ўтишга мажбур қилмоқда. Шу сабали хам ишлаб чиқариш, хам чакана савдо даражасида «маълумотлар базаси маркетинги» нинг аҳамияти ошиб бормоқда. Sears, Roebuck @ Co. компаниялари истеъмол маълумотлар базасида 44 млн. дан ортиқ мижозлар манзиллари мавжуддир. Истеъмолчи харид учун тўлов шаклини танлаши лозим. Ривожланган мамлакатларда нақд пул билан хисоб-китоб қилишдан кредит карточкалари ёки тўловни кечиктиришнинг бошқа шаклларидан фойдаланилмоқда.

2. Харид манбасини танлаш

Илгарилари харидларнинг асосий қисми кўчма автодўконларда амалга оширилар эди. қўлай ва қиммат бўлмаган товарларни етказиб бериш методлари кенг тарқалди, бироқ чакана савдо дўконлари ўз устуворликларини сақлаб қолдилар. Кейинги йилларда товарларни истеъмолчилар хонадонларида сотувчи чакана сотувчилар ва фирмалар орасидаги рақобат кўчайиб бормоқда. Ушбу муаммо маркетинг учун катта қизиқиш ўйғотмоқда.

Кейинги 100 йил мобайнида чакана савдо дўконларига ташриф буюриш (шоппинг) америкаликларнинг энг севимли машғулоти бўлиб қолди. Товарларни хонадонларда сотиш сўзсиз муваффақиятларга эришмоқда ва бу холатни рақамларда кўрсатиш мумкин, бироқ 90% харид қилинган товарлар қиймат кўриниши нуқтаи назаридан чакана савдо, каталоглар, кўргазмалар ва савдо автоматларига тўғри келмоқда. Инсонлар нима учун дўконларга ташриф буюришади? Бунда асосий мотив бўлиб ахборот олиш ҳисобланади. Дўконларга ташриф буюришнинг мотивлари шахсий ва ижтимоий мотивларга бўлинади.

Шахсий мотивларга қуйидагилар киради:

1.Ўз ролини бажариш. Кўпчилик хатти-харакатлар анъангавий тарзда маълум бир ижтимоий ролнинг қисми бўлган таниқли хулқ-атвор типлари билан боғлиқдир – она, хотин, эр, талаба.

2. Кунгил очишлар. Дўконларга ташриф буюриш кундалик турмуш ташвишларидан холи бўлиш имконини беради ва шундай қилиб дам олиш шакли ҳисобланади.

3. Ўзидан қониқиш. Турли хил эмоционал холатлар ва кайфиятлар кишиларнинг дўконларга нима учун (ва качон) боришларини тушунтириб беришлари мумкин. Айрим кишиларнинг гапиришларича, улар ўзларига пул сарфлашиб кўпинча депрессияни камайтиришади. Ушбу холда дўконга бориш эҳтиёж билан эмас, балки ўз-ўзича бирор нарсанги харид қилиш билан тушунтирилади.

4. Янги тенденцияларни ўрганиш. Товарлар хар бир кишининг кундалик ҳаётига кириб кетган ва купинча ишонтиришлар белгиси ва турмуш тарзи сифатида хизмат қилади. Инсон тенденциялар, харакатлар ва белгиларни ўрганади, чунки улар дўконга ташриф буюргандаги у ёки бу маҳсулотларга мос келишади.

5. Жисмоний фаоллик. Шахарларда яшовчи кишилар учун дўконларга ташриф буюриш бир оз пиёда юриш имконини беради. Айрим кишилар савдо марказлари ва кўчаларда сайр қилишни ёқтиришади.

6. Сенсор рағбатлантириш.

Чакана савдо дўконлари кўплаб потенциал сенсор тассуротларни таъминлашади. Дўконларга ташриф буюрувчилар товарларни ва бир-бирини кўздан кечиришади; уларга товарларга тегиш, мусиқавий фон товушини эшитиш ёқади, атирлар ва қаҳвахонада тайёрланаётган овқатнинг хиди ёқади.

@TDIU_ARM

Ижтимоий мотивларга қуйидагилар киради:

1. Хонадондан ташқаридаги ижтимоий тажриба.

Савдо жойлари анъанавий тарзда ижтимоий хаёт маркази бўлиб ҳисобланган. Бозорларда ёки дўконларда сайр қилиш чоғида дўстлар, қўшниларни учратиш мумкин ёки бошқа ижтимоий алоқаларга кириш мумкин.

2. «Манфаатлар бўйича» мулоқот.

Коллекционерлар ёки дам олиш учун товарлар ёки хизматлар (масалан, почта маркалари ёки хонани безаш учун товарлар)ни таклиф этувчи дўконлар бошқа харидорлар билан ва ушбу масала бўйича махсус ахборотни берувчи хизмат кўрсатувчи персонал билан мулоқот қилиш имконини беради.

3. Эталон гуруҳ вакилларини таклиф этиш.

Дўконнинг доимий мижозларини ўзларига тенг ёки кимларни ичида бўлиш иштиёқи харакатга келтиради.

4. Мақом ва обрў-эътибор.

Айрим холларда инсон ўзига жалб қилиш имкониятини олиш ва унга хизмат кўрсатишлари учун дўконларга ташриф буюради. Инсон хўжайин-хизматкор холатида ўзининг устунлигини ва хокимиятини ҳис қилади.

5. Савдо қилишдан завқ олиш.

Кўпчилик дўконга ташриф буюрувчилар нархни тушириш мақсадида савдолашишни ёки товар ёки хизматнинг сифатига эътироз билдиришни яхши кўришади. Инсон яхши харид қилгани билан мағрурланади.

3. Тўғридан-тўғри маркетинг методлари

Тўғридан-тўғри фикр олиш мақсадида истеъмолчига таъсир этишнинг олти усули мавжуддир:

1) тўғридан-тўғри сотиш;

2) тўғри почта орқали жўнатиладиган реклама материаллари;

3) тўғри почта орқали жўнатиладиган каталоглар;

4) телефон маркетинги;

5) тўғридан-тўғри фикр методи;

6) интерактив ахборот электрон воситалари.

Бу барча усуллар аниқ сегментлаштириш учун ажойиб имкониятлар яратишади.

Тўғридан-тўғри сотиш деб қўзғалмас чакана савдо тармоғидан ташқарида бўлган харидор ва сотувчининг шахсий алоқасининг хохлаган шаклига айтилади. Товарларни сотиш умумий хажмининг 2% атрофида тўғридан-тўғри шахсий сотишларга тўғри келади. Ушбу сотувларнинг кўпчилиги уйда, иш жойида ёки дўкондан ташқаридаги сотишнинг бошқа шакллари орқали амалга оширилади.

Mary Ray Cosmetics,Inc. компанияси фақатгина хонадонларда сотиш ва тақдимотга эътибор бериш орқали атир-упа соҳасидаги ката салмоқни эгаллади. Барча тақдимотлар уй эгаси таклиф этган меҳмонлар гуруҳи учун амалга оширилган. Бозорнинг маълум бир сегменти ушбу методни универмаглардаги тақдимотлар билан бир хил деб қарайди.

Тўғри почта орқали олинган чақириққа жавоб берган ҳолда дўконга ташриф буюриш, ушбу усулнинг истеъмолчиларнинг реал эхтиёжларига жавоб беришини кўрсатади. Рекламада кўпинча «товарнинг мавжудлиги», «қўлайлиги», «паст баҳоси» ва «энг яхши сифати» каби устунликлари таъкидланади. Сўровлар шуни кўрсатадики, респондентларнинг ярмидан кўпи тўғри почта орқали жўнатиладиган реклама материалларини қўллаб-қувватлашади ва уларни ўқишади, бироқ уларнинг сони маълумотлари ва даромадлари ошиши билан камаяди.

Тўғри почта орқали жўнатиладиган каталоглар орқали харидлар кейинги йилларда кенг қулоч ёймоқда. Impact Resources агенлиги ўтказган сўровга кўра 20% респондентлармунтазам тарзда каталоглардан фойдаланишади. Каталоглар орқали сотиш тизимидан фойдаланадиган ва фойдаланмайдиган истеъмолчилар орасида қўйидаги фарқлар мавжуддир:

- аёллар эркакларга қараганда каталогларга кўпроқ мурожаат қилишади – аёллар 58%, эркаклар 42%;

- каталоглар орқали харид қилувчилар каталоглар орқали харид қилмайдиганлардан ўртача хисобда уч ёш кичикдир;

@IDU_ARM

- каталоглар орқали харид қилувчиларнинг маълумоти юқоридир – уларнинг учдан икки қисми коллежларни тугатишган;

- каталоглар орқали харид қилувчиларнинг кўпчилигининг хонадонида юқори технологияли ускуналар: видеомагнитофонлар ва шахсий компьютерлар мавжуддир;

- каталоглар орқали харид қилувчилар кўп вақтларини ва пулларини дам олишга сарфлашади;

- каталоглар орқали харид қилувчиларнинг кам қисми универмагларни хохлашади;

- каталоглар орқали харид қилувчилар учун юқори сифат муҳим мотивация ҳисобланади.

Харид қилишнинг ушбу усули шу қадар ривожландики, айрим сотувчилар энди ўз каталогларини $1 дан $5 гача таклиф этишмоқда. Бундан ташқарии каталоглар орқали харид қилувчилар товарларга 5% дан 15% гача буюртма беришади ва фақат уларнинг 2% товарларни почта орқали олишади.

Тўғридан-тўғри фикр бериш бўйича буюртмаларнинг 20% телефон қўнғироқларига тўғри келади ва куп сонли компаниялар ушбу усулни қўллашмоқда.

Хонадонлардаги харидларнинг 20% хар йили газета ва журналлардаги реклама орқали рағбатлантирилади ва у қайтариладиган буюртма бланкаларини жойлаштириш орқали тўғридан-тўғри фикр беришга чақиради.

Кўпчилик кузатувчиларнинг фикрича биз турмуш тарзини кескин ўзгартириш арафасида турибмиз. Бу холат ахборот технологияларидаги инқилоб билан ифодаланади. Харидни тўламоқчи бўлганларга кабель телевидениеси орқали виртуал чекланмаган жаҳон дастурлаш, ахборот, коммуникация ва х.к.о. манбаларига чиқиш имконияти таъминланади. Бунинг учун зарур бўлган компьютер кнопкасини босиш кифоядир.

Тез тескари алоқанинг мавжудлиги истеъмолчига зарур бўлган ахборотни зудлик билан олиш орқали харидларни режалаштириш имконини ва қўлайлигини берувчи хизматларни тақдим этади.

Назорат ва мулохаза учун саволлар.

1. Харид тўғрисида қарор қабул қилиш деганда нимани тушунасиз?
2. Харид жараёнида қандай саволлар юзага келади?
3. «Маълумотлар базаси маркетинги» деганда нимани тушунасиз?
4. Харид манбасини танлаш деганда нимани тушунасиз?
5. Шахсий мотивлар деганда нимани тушунасиз?
6. Сенсор рағбатлантириш.
7. Ижтимоий мотивлар деганда нимани тушунасиз?
8. «Манфаатлар бўйича» мулоқот.
9. Кейинги йилларда товарларни истеъмолчилар хонадонларида сотувчи чакана сотувчилар ва фирмалар орасидаги рақобатнинг кўчайишига сабаб нима?
10. Тўғридан-тўғри маркетинг методлари деганда нимани тушунасиз?
11. Телефон маркетинги деганда нимани тушунасиз?
12. Интерактив ахборот электрон воситалари деганда нимани тушунасиз?

@IDU_ARM

8-БОБ. ИСТЕЪМОЛ, ЭҲТИЁЖЛАРНИ ҚОНДИРИЛИШИ, ФОЙДАЛАНИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРДАН ОЗОД БЎЛИШ

1. Товар ва хизматларни истеъмол қилиш.
2. Хариддан кейинги муқобилларни баҳолаш.
3. Фойдаланилган маҳсулотлардан озод бўлиш.

1. Товар ва хизматларни истеъмол қилиш

Харид жараёнидан кейин одатда фойдаланиш ёки ишлатиш жараёни келади. Истеъмолчи товардан фойдаланиш вақтини танлаши лозим. Бунинг қўйидаги бир нечта варианти мавжуддир:

- Биринчи қўлай холатда истеъмол қилиш;
- Янада кеч даврда фойдаланиш учун кечиктириш;
- Маҳсулотдан алоҳида холатларда фойдаланиш учун узоқ муддат сақлаш.

Муаммо ечимининг яна бир варианти аввалambор кўзда тўтилмаган шароитлар таъсирида (масалан, ишни йўқотиш, қарорни туғри қабул қилиниши бўйича оиладаги келишмовчиликлар, товарни нотуғри танланганлиги туғрисида янги ахборот ва х.к.о.) истеъмол жараёнининг мавжуд эмаслиги. Товарни сотувчига қайтарилиши ёки бирор бошқа усул билан йуқотилиши эҳтимоли хам мавжуддир.

Истеъмол жараёни харидорнинг афсус қилиши сабаби билан хам амалга ошмаслиги мумкин. Юқори даражада манфаатдорлик шароитида мактаб ёки университетни танлашда ушбу танловни туғрилигига шубҳа билан қараб қарор қабул қилиш анча мушкул масаладир. Ушбу холатда қарор қабул қилувчи бошқа яхши олий укув юртлари туғрисида ўйлаганлиги туфайли қарор қабул қилишда иккиланади.

Амалиётда қабул қилинган қарор бўйича кейинги шубҳаланиш (диссонанс) туфайли харидорнинг афсусланиши оддий реакция бўлиб, у хариддан қониқиш ёки қониқмаслик тўғрисида олдиндан фикр юритган тақдирда ўринли бўлади.

2. Хариддан кейинги муқобилларни баҳолаш

Товар танловини баҳолаш жараёни хариддан сунг ва буюмдан фойдаланган сунг дарҳол тугамайди. Ушбу холат товарга бўлган манфаатдорлик

юқори бўлган ҳолда алоҳида аҳамият касб этади. Хариддан сунгги муқобилда харидор хариддан қониққанми ёки қониқмаганлигини (к/к) танлашдан иборат бўлади. Ҳозирги пайтда Ушбу мавзуга бағишланган кўплаб маркетинг тадқиқотлари ўтказилмоқда. Харидорнинг хариддан қониққанлик ёки қониқмаганлик (к/к) муаммосининг муҳимлилиги қўйидагилар билан изоҳланади:

- Ишлаб чиқарувчи учун харидорни ушлаб қолиш жуда муҳимдир. Ушбу холат маркетингнинг асосий мақсади ҳисобланади. Янги истиқболи истеъмолчиларни жалб қилиш қиммат ва қийин жараёндир.
- Истеъмолчи эҳтиёжларини қондириш – истеъмолчини ушлаб туришнинг калити эканлиги шак-шубҳасиздир.
- Харидорнинг хариддан қониққанлик ёки қониқмаганлик (к/к) реакциясини шаклланишида асосий роль товарнинг ёки хизматнинг сифатига тегишлидир.

Истеъмолчининг қатъий талабларига мувофиқ бўлиш – маркетинг бўйича мутахассислар олдида турган асосий вазифадир.

Инсон маҳсулот ва хизматдан нима олиши мумкинлиги тўғрисида маълум бир тасаввурга эга бўлган холдагина харидни амалга оширади ва ўз эҳтиёжларини қондиришга харакат қилади. Эҳтиёжларни қондирилиши танланган муқобилни ижобий баҳолаш яъни истеъмолчининг ўзи харид қилган маҳсулоти кутилган натижаларга мос келишлиги ёки ундан ортиқча хам бўлиши деб ўйлаши каби аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, товар ёки хизмат истеъмолчи ўйлаганидай бўлиши лозим. қарама-қарши натижа хариддан қониқмасликка олиб келади.

Консьюмеризм ҳаракати ва товар ва хизматларнинг паст даражадаги сифатидан жамоатчилик норозилигининг кўчайиши Ушбу тадқиқот мавзусини биринчи ўринга олиб чиқади. Савдо билан шуғулланувчи айрим компаниялар ва айрим шахсларнинг виждонсизларча харакатларига мижозларнинг табиий реакцияси бўлиб уларнинг кескин норозиликлари ҳисобланади.

@TDIU_ARM

3. Фойдаланилган маҳсулотлардан озод бўлиш

Маҳсулотлардан тўлиқ ёки қисман фойдалангандан сўнг уларни тасарруф қилиш муаммоси доимо долзарб масала бўлиб келган ва фақат-гина яқиндагина у жиддий маркетинг тадқиқотлари диққат марказига тушди. Ушбу ҳолат атроф муҳит тўғрисида жамоатчиликнинг чуқур эътибори натижаси ҳисобланади. Кенг маънода ушбу масалани тадқиқ этиш учта мавзу бўйича амалга оширилди:

- Маҳсулотлардан тўлиқ холос бўлиш;
- Маҳсулотларни қайта ишлаш;
- Ремаркетинг.

Маҳсулотлардан тўлиқ холос бўлиш одатда сакрал мақомини олган буюмлар тўғрисида реал психологик тушунчалар шаклланади. Бироқ ҳеч нарса абадий эмас ва сакрал ва санамларча қарашлар орасидаги нисбат мавжуддир хамда у доимо ўзгариб туради. қандай шаклда бўлишидан қатъий назар буюмлардан холи бўлиш пировард натижада зарурият ҳисобланади.

Буюм унинг эгасига сакрал бўлганида, ундан холи бўлиш қандайдир маросимга айланади. Кўпчилик кишилар ўз ёшликлари ёки бошқа ёқимли хотиралар билан боғлиқ бўлган буюмларни (ўйинчоқлар, мактабда олинган мукофотлар ва х.к.о.)қадрлашади. Ушбу буюмларни ташлаб юбормайдилар бироқ уларни сақлаш холи бўлишнинг бир шакли ҳисобланади.

Истеъмол қилинган маҳсулотлар чиқиндиларини қайта ишлаш учун тайёрлаш АҚШ нинг кўплаб худудий бирликларида (шахарларида, штатларида) аҳоли учун мажбурий ҳисобланади. Қатъий қоидалар бўлмаган жойларда чиқиндиларнинг 25% дан 90 % гача қайта ишланади. Қоидага кўра чиқиндиларни кейинги қайта ишлаш учун тайёрловчи (сараловчи) истеъмолчиларнинг сони уларнинг ёшига нисбатан тескари пропорционал ҳисобланади. Кейинги пайтларда илгари фойдаланилган буюмларни сотишнинг етарли даражада ўсиши (масалан, фойдаланилган автомобиллар янгисига нисбатан яхши сотилмоқда) кузатилмоқда.

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Муносабатлар маркетингининг моҳияти нимадан иборат?
2. Оммавий маркетинг нима?
3. Хариддан сунгги муқобилларни баҳолаш деганда нимани тушунасиз?
4. Индивидуаллашган маркетинг қандай амалга оширилади?
5. Сифатни ёппасига (тотал) назорат қилиш сиёсатининг моҳияти нимадан иборат?
6. Истеъмолчи билан тескари алоқа деганда нимани тушунасиз?
7. Фойдаланилагн маҳсулотлардан озод бўлиш деганда нимани тушунасиз?
8. Ремаркетинг деганда нимани тушунасиз?

@TDIU_ARM

9-БОБ. ИНДИВИДУАЛ ФАРҚЛАР

1. Иқтисодий ресурслар.
2. Вақт ва харажатлардаги ўзгаришлар.
3. Ўрганиладиган ресурслар ёки ахборотни қайта ишлаш.

1. Иқтисодий ресурслар

«Пул – менга мана шу нарса керак» деб куйланади бир қўшиқда. Кредит карточкалари бўлса ҳам бўлади. Бирон бир бошқа ўзгарувчи кишиларнинг харидларини тушунишда пулдан кўра муҳимроқ бўла олмайди. «Пул – мана шу нарсани ўрганиш лозим», ибораси истеъмолчи ҳулқ-атворини ўрганувчи хар қандай киши учун шиор бўлиши мумкин. Амалда хар бир маркетинг тадқиқотларида истеъмолчиларни баҳолайдиган асосий ўзгарувчилардан бири сифатида даромад қараб чиқилади.

Қачонлардир мавоза (бартер) – товарни товарга айирбошлаш – оддий ҳолат эди. Бу усул ҳозир ҳам унча ривожланмаган мамлакатларда муҳим ўрин тутади, ҳамда бошқа жамиятлардаги «норасмий» иқтисодий муносабатларда мавжуд бўлади. Етарли даражадаги норасмий иқтисодий муҳит мавжуд бўлиб, унда кишилар у ёки бу ҳисоб-китоблар ва солиқлардан четлаб ўтган ҳолда товар ва хизматларни харид қилишади ёки мавоза (бартер) бўйича айирбошлайдилар. Асосан бу муҳитда таъминланган, маълумотли ва нисбатан ёш кишилар фаолият кўрсатадилар.

Маркетингда иқтисодий ресурсларни айирбошлаш кўриб чиқилади. Ушбу ресурсларни ўлчаш эса ўта мураккаб масала ҳисобланади. Ўлчашларнинг асосий мақсади - турли хил вақт даврларини ёки бозор сегментларини таққослашни амалга ошириш имконини берувчи ҳамда хар бир киши учун бир хил маъно берувчи ўзгарувчиларни аниқлаш ҳисобланади. Маркетингга ихтисослашган ташкилотлар одатда сўровно-маларда даромад тушунчаси бўйича ўзларининг таърифларидан фойда-ланишади. Анкета саволлари уларни респондентлар тушунишлари учун оддий, лекин кейинги таҳлилларда фойдаланиш учун аниқ бўлиши лозим.

2. Вақт ва харажатлардаги ўзгаришлар

Вақт ва бўлаётган ўзгаришлар, сўзсиз пул сарфлашнинг асосий йўналишлари қанчалик мустаҳкам эканлигини кўрсатмоқда. Истеъмол-чиларнинг қандай ўз пулларини сарфлашларини билиш, макроиқтисодий қарорларни қабул қилишнинг асоси бўлиб ҳисобланади, ҳамда макроиқ-тисодий ходисалар айрим фирмаларнинг маркетинг имкониятларига таъсир этишини тушуниш тимкониятини беради.

Илгарилари Америка аҳолиси шахсий хўжаликлари бўлганликлари сабабли, ўзларини ўзлари озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашар эдилар. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан қишлоқ хўжалиги пайдо бўлди ва ривожланди ҳамда бу соҳада аҳолининг ката қисми ўзларига иш жойлари топишди. Ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ушбу маҳсулотларга ишлаш бериш ва тайёрлашдагига қараганда камроқ кишилар банд. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳаси билан у ёки бу кўринишда боғлиқ бўлган олимлар, юристлар, ҳисоблаш техникаси бўйича мутахассислар сони фермерлар сонига тенгдир. Бошқа соҳаларни кўрсак, хозирги кунда айрим хизматлар, масалан, кинотеатрларда бадиий фильмларни кўриш видеомагнитофонлар ёрдамида хонадонларга кўчгандир. Шу вақтнинг ўзида анъанавий уй юмушлари, болаларга қараб туриш, овқат тайёрлаш, хоналарни тозалаш пуллик хизматларга айланди.

Маркетинг ташкилотларига атроф муҳитнинг жорий ҳолати ва ундаги мавжуд бўлган тенденциялар тўғрисидаги тизимли ва ўз вақтидаги ахборотлар зарур бўлади.Ушбу ахборотларни олиш учун муҳитни ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар ўтказилади. Ушбу мақсадда, масалан, олий раҳбарлар томонидан қарор қабул қилишда ишлатиладиган фирманинг ички ахборотлари, ҳамда истеъмолчиларнинг жорий ва прогнозлаштириладиган ресурслари билан боғлиқ бўлган ташқи омиллар таҳлил қилинади. Аниқ прогноз қилиб бўлмаган ҳолларда, кўпчилик компаниялар сценарийлар тузишади ва улар ёрдамида келгуси ривожланиш вариантлари таққосланади ва шунга мувофиқ режалар тузилади.

@TDIU_ARM

3.Ўрганиладиган ресурслар ёки ахборотни қайта ишлаш

Супермаркетларга ташриф буюрганда кўплаб харидорлар сотиш полкаларига кўз югуртиришиб, товарларни олишади ва этикеткаларни таққослашишади хамда дўконда дақиқалар эмас балки соатларни ўтказишаётганликларини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат харидорларда яна бир ресурс борлигини исботлайди ва бу ресурсни товарлар ва хизматларни харид қилиш учун сарфлаётганликларини тасдиқлайди. Бу ресурс ўрганиладиган ресурс ёки ахборотни қайта ишлаш деб номланади.

Ўрганиладиган ресурслар ахборотларни қайта ишлаш бўйича турли хил харакатларни бажариш учун зарур бўлган ақлий қобилият ҳисоб-ланади. Истеъмолчиларнинг ана шу ресурслари учун сотувчилар уларнинг пуллари ва вақти сингари курашишади. Сотувчилар харидорларнинг эътиборларини жалб қилишлари лозим, бироқ хозирги бозор муносабатлари шароитида эса ушбу масала оддий масала ҳисобланмайди.

Қобилият – чекланган ресурс ҳисобланади. Маълум вақт давомида биз маълум бир миқдордаги ахборотларни қайта ишлашимиз мумкин. қобилият одатда ахборотларнинг порцияси яъни бир вақтда қайта ишланиши мумкин бўлган бир неча ахборот турлари ҳажми билан ўлчанади. Ахборот манбаига кўра қобилият тўрт-бешдан етти порциягача ўзгариши мумкин ва бу ҳолат етарли даражада юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Билиш қобилиятининг тақсимланиши эътибор деб аталади. Эътибор икки холат билан тавсифланади: йўналиши ва жадаллиги. Йўналиш – эътибор қаратилаган томондир. Истеъмолчилар хар қандай аниқ вақт давомида мавжуд бўлган ички ва ташқи таъсирларни қайта ишлай олмасликлари сабали, уларга ушбу чекланган ресурсни танлаш асосида тақсимлашларига тўғри келади. Айрим таъсирларга эътибор берилади, айримларига эса эътибор берилмайди.

Эътиборлилик маълум бир йўналишда жамланган эътиборнинг миқдори бўлиб ҳисобланади. Эътиборни бошқа ўзанга йўналтиришдан олдин, истеъмолчилар таъсир этувчини билиш учун сарфлайдиган эътиборларига тенг бўлган эътиборни сарфлашади.

Назорат ва мулохаза учун саволлар.

1. Нима учун иқтисодий ресурслар тушунчасини «қабул қилиш» истеъмолчилар хулқ-атворини тушунтиришда ресурсларни ўзлари сингари муҳим ўрин тўтади?
2. Асосий товар категориялари ичидан маҳсулотларни олиш билан даромадлар даражаси ўртасида қандай ўзаро алоқадорликни кўриш мумкин?
3. Маркетинг тадқиқотлари ўтказишда даромад қандай аниқланади?
4. Кутилаётган аҳоли турмуш даражасини ошиши билан ўз ўсиш имкониятларини қидираётган кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхонага қандай маслаҳатлар берасиз?
5. ЯИМ қисқартмаси (аббревиатураси) нимани англатади? Ушбу тушунчанинг ЯММ тушунчасидан фарқи нимадан иборат?
6. Истеъмолчида мавжуд бўлган пул ва вақт хажмлари орасидаги ўзаро алоқадорлик йирик чакана сотувчининг маркетинг стратегиясига қандай таъсир этади?
7. Бозор салоҳияти қандай аниқланади?
8. Вақтни истеъмол қилувчи товарлар деганда нимани тушунасиз? 9.Вақтни тежовчи хизматлар ва товарлар деганда нимани тушунасиз?

@TDIU_ARM

10-БОБ. ИСТЕЪМОЛЧИ ХУЛҚ-АТВОРИДАГИ ПСИХОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

1. Истеъмолчи билан мулоқотга кириш
2. Истеъмолчига эътибор қаратиш
3. Истеъмолчини тушуниш

1. Истеъмолчи билан мулоқотга кириш

Ахборотни қайта ишлаш энергиянинг қўзғатувчи сифатида инсоннинг бешта сезгисидан биттасига ёки ундан кўпроғига етиб борганда бошланади. Алоқа қўзғатувчига жисмоний яқинлашганда амалга ошади ва у бир ёки бир неча сезгиларни фаоллаштиради. Бу ҳолат коммуникацияни амалга оширувчи томонидан мақсадли бозорни қамраб олиши мумкин бўлган шахсий ёки оммавий ахборотни узатиш воситаларини танлаш имконини беради.

Инсон етарли даражадаги кучли рағбат билан алоқа қилганда унинг сенсор рецепторлари фаоллашади ва кодлаштирилган ахборот асаб толалари бўйича бош мияга узатилади. Бу ҳолат ҳиссиёт деб номланади ва унга қўйидаги учта остонавий кўрсаткич таъсир этади:

1. Қуйи ёки мутлақ остона: ҳиссиётни юзага келиши учун зарур бўлган рағбатлантирувчи энергиянинг ёки интенсивликнинг минимал миқдори.

2. Чегаравий остона: рағбатни жадаллигини қўшимча ошириш ҳиссиётга таъсир қилмайдиган нуқта.

3. Табақалаштирилган остона: инсон сеза оладиган қўзғатувчи жадаллигини минимал ўзгариши.

Истеъмолчи хулқ-атворини ўрганувчи айрим тадқиқотчилар қўзғатувчининг жадаллиги инсонга таъсир ўтказиши учун минимум ҳолда қўйи (абсалют) даражада бўлиши лозим деб ҳисоблайдилар. Бошқа олимлар эса қўйи остонадан кам бўлган жадалликга эга бўлган қўзғатувчилар ҳам таъсир этиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Ушбу қарама-қарши концепция англаб етилган ишонтириш деган номни олган.

2. Истеъмолчига эътибор қаратиш

Истеъмолчи билан мулоқотга кириш босқичидаги бизнинг сенсор рецепторларимизни фаоллаштирувчи барча қўзғатувчилар ҳам қўшимча қайта ишлаш имконига эга бўлмайдилар. Шундай қилиб, билиш тизими қабул қилинадиган ахборотларни доимо кузатиб боради ва унинг бир қисмини кейинги қайта ишлаш учун танлаб олади. Ушбу танлов англаб етилган даражада амалга ошади ва дастлабки қайта ишлаш деб номланади.

Танловдан ўтган қўзғатувчилар эътибор деб номланувчи ахборотларни қайта ишлаш моделининг кейинги босқичига ўтадилар. Эътиборни қўзғатувчини қайта ишлаш учун билиш ресурсларининг йўналиши сифатида аниқлаш мумкин.

Компания олдида турган асосий қийинчиликлардан бири, истеъмолчини унга маълум қилинмоқчи бўлган ахборотга эътибор қаратишга мажбурлашдир. Бу етарли даражадаги мураккаб масаладир. Айрим маълумотларга кўра ўртача истеъмолчи бир сутка давомида уч юзга яқин реклама эълонлари билан тўқнаш келади. Ўртача телетомошабин бир кунда 100 дан ортиқ реклама роликларини кўради. Ҳар йили ўртача уй хўжалиги номига 216 та кераксиз почта жўнатмалари келади. Афсуски, Ушбу реклама материалларининг кўпчилиги таъсир кўрсатиш учун зарур бўлган эътиборни жалб қила олмайди.

Чакана савдо соҳасида бундан ҳам мураккаб ҳолат юзага келди. типик супермаркетнинг ассортиментида 18 мингдан 20 минггача товар ассортименти мавжуд бўлади. Дўкон пештахтасидаги ўхшаш товарлар ичидан зарур бўлган товарни ажратиб олиш ва истеъмолчилар эътиборини жалб қилиш товар ўровини ишлаб чиқишдаги асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, Pepperidge Farm фирмасининг график дизайн бўйича директории Франк Мальфанинг фикрича «товар ўрови 1,5 м масофада соатига 5 км тезликда жалб қилиши лозим».

Истеъмолчилар бозорда учратадиган барча реклама эълонларига ва маҳсулотларга эътибор беришганда компаниялар ҳаёти янада оддийроқ бўлар эди, бироқ реал ҳаётда истеъмолчилар жуда фарқловчи ҳисобланадилар. Айрим реклама эълонлари ва ўров турлари тўсиқлардан ўтишади, бошқалари эса

@TDIU_ARM

ўтишмайди. Эътиборнинг танланишини эътиборга олган ҳолда истеъмолчиларнинг чекланган ресурсларини тақсимлашга таъсир этувчи омилларни тушуниш муҳимдир. Ушбу омиллар иккита асосий тоифага бўлиниши мумкин: шахсий (индивидуал) омиллар ва рағбатларга оид омиллар.

Истеъмолчи психологиясининг қўзғатувчиларга кўникиши инсонларга хос бўлиб, улар қўзғатувчиларга эътибор бермай қўйишади, яъни бошқача қилиб айтганда улар рағбатга кўникишади. Масалан, тинч қишлоқ дойидан Нью-Йоркка келган оила жуфтлиги дастлар шовқинли шахарга кўникишмайди ва уйқусизлик билан қийналишади. Кейинчалик эса улар ниҳоят Ушбу шовқинга кўникишади ёки мослашишади.

Худи шундай феномен маркетингда хам мавжуддир. Реклама мослашиш учун жуда мойилдир. Кўпчилик товарлар истеъмолчиларга маълум бўлганлиги сабабли хақиқатда бирор-бир янгилик айтиш жйда мушкулдир. Шу сабабли реклама мурожатининг дизайни ва форматига алоҳида талаблар қўйилади. Худди шундай реклама муражатномаси билан такрорий алоқа истеъмолчиларни ўрганиб қолиши натижасида самара келтирмайди. Ушбу ҳолатни маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда эътиборга олиш лозим.

Мослашиш даражаси кўпинча сотувчи ва харидоар ўртасида тўсиқ бўлса ҳам, сотувчилар ундан ўзларига фойда кўриш мақсадида фойдаланишлари мумкин. Товарларнинг ноёб ўрови уларни дўкон пештахтасида ажратиб кўрсатиши мумкин. Худи шу тарзда эътиборни жалб қилиш бўйтча реклама тактикаси реклама эълонларига истеъмолчиларни мослашиш даражаси чегарасидан ташқарида бўлган рағбатларни киритиши мумкин. Айрим рағбатлантирувчи омиллар маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда эътиборга олинадиган мослашиш ҳолатини эътиборга олиниши натижасида истеъмолчилар эътиборларини жалб қилишлари мумкин.

Эътиборимизни алоҳида рағбат ёки фикрга фокуслаштиришимиз мумкин бўлган вақт оралиғи етарли даражада чеклангандир. Реклама нуқтаи назаридан қисқа реклама ролмкларидан фойдаланиш истеъмолчилар эътиборини чекланган вақтини енгиб ўтиш усулларидан бири ҳисобланади.

3. Истеъмолчини тушуниш

Ахборотни қайта ишлашнинг учинчи босқичи қўзғатувчини мушоҳада қилиш билан боғлиқдир. Шундай пайт келадики бунда рағбат маълум бир маъно билан бойийди. У истеъмолчиларда мавжуд бўлган билимлар нуқтаи назаридан англаб етилганлиги ва рағбатни қандай туркумланишига боғлиқ бўлади.

Истеъмолчи психологиясини қўзғатувчисини туркумлашнинг моҳияти хотирада сақланаётган тушунчалардан фойдаланган ҳолда рағбатни англаб етишдан иборатдир. Истеъмолчилар хулқ-атворига улар қандай қилиб маркетинг рағбатини туркумлашалри таъсир этади. Того фирмаси «Snow Pup» (қор кучукчаси) номли қорда юрувчи машинасини тақдим қилди бироқ Ушбу харакат фойда бермади, чунки қорда юрувчи машинанинг номи истеъмолчиларда ўйинчоқ ёки унча кучли кучли бўлмаган машинани эслатар эди. Того фирмаси қорда юрувчи машинанинг номини дастлаб «Snow masters» (қорлар ҳукмрони) кейинчалик эса «Того» (бўқа) номи билан алмаштирди ва товарга бозорда муваффақиятни таъминлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики рағбатни туркумлаш уни баҳолашга таъсир этиши мумкин, чунки қўзғатувчини туркумлашда фойдаланиладиган тушунчалар маълум бир ҳиссиётлар ва муносабатларни эслатар эди. Ушбу ҳиссиётлар ва муносабатлар туркумланадиган рағбатларга ўтказилиши мумкин. Шундай қилиб туркумлаш етарли даражада муҳим омил бўлиши мумкин.

Компаниялар кўпинча уларни товарларини истеъмолчилар қандай туркумлашларига таъсир этишлари мумкин. Trans-Van фирмасининг «Champions» «ғилдиракдаги уй» ини рекламасида шундай дейилади: «Буни биринчи автомобил, иккинчи уй, фургон, транспорт воситаси ёки ғилдиракдаги уй деб номланг». Шундай қилиб реклама ёрдамида истеъмолчига товарни туркумлашда турли хил тоифалардан фойдаланиш таклиф этилади ва унинг жалб қилувчанлигини оширишга ўриниб кўрилади.

Тушунишнинг яна бошқа бир жиҳати бўлиб рағбатни қайта ишлашда эришиладиган фаоллаштириш даражаси ҳисобланади. қўзғатувчини фаоллаштириш деганда мавжуд ахборот билан хотирада сақланаган ахборот

@TDIU ARM

ўртасидаги интеграция даражаси тушунилади, яъни бошқача қилиб айтилганда қўзғатувчи билан ҳаёт тажрибаси, инсон мақсадлари орасида ўрнатиладиган шахсий алоқалар сони тушунилади.

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Истеъмолчи билан мулоқотга кириш деганда нимани тушунасиз?
2. Англаб етилган ишонтириш деганда нимани тушунасиз?
3. Истеъмолчига эътибор қаратиш деганда нимани тушунасиз?
4. Истеъмолчига эътибор қаратишнинг шахсий детерминантлари деганда нимани тушунасиз?
5. Истеъмолчини тушуниш деганда нимани тушунасиз?
6. Қўзғатувчиларнинг туркумланиши деганда нимани тушунасиз?
7. Истеъмолчи психологиясини қўзғатувчисини долзарблашуви деганда нимани тушунасиз?
8. Образли фикрлаш деганда нимани тушунасиз?
9. Гештальтпсихологиянинг моҳияти нимадан иборат?
10. Истеъмолчини қабул қилиш деганда нимани тушунасиз?

11-БОБ. АТРОФ МУҲИТ ТАЪСИРИ

1. Маданият тушунчаси.
2. Маркетинга таъсир этувчи асосий маданий қимматдорликлар.
3. Миллий маданият.

1. Маданият тушунчаси

Маданият қимматдорликлар, ғоялар ва бошқа муҳим белгилар мажмуасига тааълуқли бўлиб, улар инсонларга ўзаро мулоқотда бўлиш, хамда бир-бирини жамият аъзоси сифатида баҳолаш ва мушоҳада қилишга ёрдам беради. Маданият ноёб муаммоларни бир марталик ҳал этиш йўли сифатида инстинктлар ва идиосинкроз хулқ-атворни ўз ичига олади.

Маданиятга хам мавҳум хам моддий элементлар киради. Мавҳум элементлар бўлиб, қимматдорликлар, эътиқодлар, ғоялар, инсонлар типлари, диний қарашлар ҳисобланади. Моддий ташкил этувчилар бўлиб китоблар, компьютерлар, асбоблар, бинолар ва х.к о лар ҳамда «Levi’s 501» жинси шимми ёки хит қўшиқчи аёлнинг сўнгги қушиғи ҳам ҳисобланади. Маданиятнинг моддий элементлари айрим холларда маданий артефактлар ёки маданиятнинг моддий кўриниши хам деб номланади ва бу ҳолат маданият тушунчасини фақат мавҳум соҳа сифатида чеклайди.

Маданият инсонларга ўзларини шахс сифатида англашга ва хулқ-атворнинг мумкин бўлган моделларини тушуниб олишга имкон беради. Маданият таъсирида шаклланадиган муҳим дунёқараш ва хулқ-атвор жихатлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- дунёни ва ўзини англаш;
- мулоқат ва тил;
- кийим ва ташқи қиёфа;
- овқатланиш маданияти;
- вақт тўғрисида тасаввур;
- ўзаро муносабатлар (оила, ташкилот, хукумат ва х.к.о. лар даражасида);
- қимматдорликлар ва меъёрлар;
- ишонч ва қарашлар;

@TDIU_ARM

- фикрлаш жараёнлари ва ўқитиш;

- ишдаги одатлар.

2.Маркетинга таъсир этувчи асосий маданий қимматдорликлар

Илғор чакана сотувчилар фойда олиш ва сотиш ҳажмини ошириш ҳамда доимий ҳаридорлар учун дўконнинг жалб этувчанлиги асосан бир неча турдаги буюмлар ҳисобига таминланишини билишади. Ушбу буюмлар асосий товарлар дейилади. Ўхшатиш бўйича асосий қимматдорликлар деб аталувчи гурух ҳам мавжуддир. Ушбу қимматдорликлар инсонлар хулқ-атворини тушунишда муҳим рол ўйнайди ва ушбу ҳолат кўп жихатлар буйича маркетинг буйича мутахассислар учун мухимдир.

Асосий қимматдорликлар махсулот жамиятда қандай ишлатилишини кўрсатадики.Бундай қимматдорликлар масалан, фақатгина овқатга у ёки бу махсулотдарни ишлатиш эмас, балки айрим махсулотларнинг бошқалари билан мувофиқ келиши, уларни тайёрлаш усуллари, овқат ейиш вақти билан белгиланади.

Асосий қимматдорликлар савдо маркалари ва коммуникатив дастурларнинг ижобий ва салбий валентликлари таъминлашади. Америкада «Chevrolet» автомобилини «олма пироги сингари типик америкалик» деб номлашади, бироқ машхур автомобиль маркаларини бошқа овкатлар, масалан, қалдирғоч инидан тайёрланган шўрва ёки маймуннинг қовурға гўшти деб номланиши шак-шубхасиз салбий валентликни юзага келтиради (Хитой ва Африкада ушбу махсулотлар ижобий валентликка эгадирлар). Сотувчилар ўз савдо маркаларига нисбатан ижобий валентликни яратиш учун савдо машҳур қўшиқчилар Майкл Жексон ва спортсменларнинг Рональдо номларидан фойдаланишлари мумкин. Машҳур кишиларнинг образлари уларни ёқтирмайдиган истеъмолчиларда тескари фикр ҳосил қилмаган тақдирдагина ушбу яхши ғоя ҳисобланади.

Мақбул бўлган бозор муносабатлари маъқул келган бозор муносабатларини белгилаб беради. Японияда шарқ ва ғарб сулолаларига мансуб бўлган фирмалар гуруҳлари ўртасидаги муносабатлар шунчалик мураккаб ва қаттиқки, у ёки бу

дистрибутив тармоққа киришга фақат ушбу гуруҳларнинг бирортаси билан муносабатларни яхшилаган тақдирдагина эришиш мумкин.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда битимлар илгаридан келишилган келишувлар асосида амалга оширилади. Бирор бир муаммо юзага келганда истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш агентликлари, масалан, Better Business Bureau («Чин кўнгиладан бизнес») номли агенлиги хизматларидан фойдаланиш ёки судга мурожаат қилиш мумкин бўлади. «Камбағал» мамлакатларда бундай қўллаб-қўвватлаш тизимлари ривожланмаган бўлиб, кишилар географик жиҳатдан узоқ бўлган савдо муносабатларни ўрнатиш бўйича таваккалчилик қилишмайди. Либерал қонунлар мавжуд бўлган тақдирда хам иқтисодий операцияларни хавф-хатардан сақлаш имконияти хар доим хам бўлмайди.

3. Миллий маданият

Маданият истеъмолчини ўз-ўзини тушунишига, харид қилинаётган товарлар ва улардан фойдаланишга, товараларни олди-сотди жараёнига чуқур таъсир кўрсатади.Бундай таъсир истеъмол соҳасини маданият контекстида ўрганишни ва ижтимоий қимматдорликларни ўзлаштиришни зарур қилиб қўяди. Бироқ маркетинг бўйича мутахассислар глобал ёки ички бозорларга эмас, балки макромаданиятларга кўпроқ эътибор қаратишади.

Маданиятни ижтимоий онгни атроф муҳитга мослашиш усули сифатида қараш мумкин. У бир хил ижтимоий институтлар (маданий триада) ва ҳаётий шароитларда тарбияланган кишиларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди. Истеъмолчи хулқ-атворини ўрганиш бўйича машҳур олим Г. Хофстеде 66 мамлакатда маданиятлар учун умумий бўлган қўйидаги тўртта тамойилни ишлаб чиққан:

1.Индивидуализм коллективизмга қарши мувозанат сифатида. Индивидуализм айрим индивидуумлар ўртасидаги муносабатларга асосланган жамиятлар учун хосдир.Масалан, ушбу мамлакатларга мисол бўлиб Америка қўшма Штатлари ва Нидерландия ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда индивидуализм юқори даражада бўлса, Тайванда эса коллективизм юқори даражададир.

@IDU_ARM

2. Ноаниқликдан қочишга интилиш. Жамият ноаниқлик ва икки ёқлама фикрлашга турли усуллар билан қарайди. Айрим маданиятларда бундай холатлар учун махсус қоидалар ва маросимлар ишлаб чиқилган бўлса, бошқа маданиятлар бошқача фикрлашлар кўринишларгига сабр билан муносабатда бўлмоқдалар.

3. Хукуматдан узоқ бўлиш. Хукумат ва халқ орасидаги келишув даражаси турли хил хукумат тизимларида юқори мавқеини эгалловчилар билан жамият ўртасидаги келишув даражасини акс эттиради. Буларга хокимиятни марказлаштириш, жамият томонидан қабул қилинган хукумат томонидан бериладиган тақдирлашлар, тенг бўлмаган мақомдаги кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги ўзига хос хусусиятлар киради.

4.Аёллар ва эркаклар масаласи. Бу омил анъанавий тарзда эркаклар ва аёлларга хос деб хисобланган қимматдорликларни жамият қай тарзда қўллаб қўвватлаш даражасини белгилаб беради. Эркакларга хос хусусиятлар ўзига ишониш, моддий тўкинликка эришиш, хама нарсага ўз вақтида эриши бўлса, аёлларга хос хусусиятлар яқинлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, атроф мухит тўғрисида хавотир бўлиш, муваффақиятсизликларга учраганларни қўллаб-қўвватлаш каби хусусиятлар билан жамият онггида тушунилади.

Г.Хофстеде тадқиқотлари натижалари маркетингда кенг қўлланилади. Кўпчилик иқтисодчилар унинг маданият концепциясини атроф муҳитнинг кучли таъсири остида бўлган бозор сегментларини аниқлашда жуда муҳим деб хисоблашади.

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Маданият тушунчаси нима?
2. Нима учун маданият тушунчасини таърифлашда кўпинча наониқликлар юзага келади?
3. Истеъмолчи ғояси омиллари нималардан иборат ва ушбу тушунчанинг маркетингга қандай алоқаси бор?
4. Истеъмолчилар маданий қимматдорликларни қандай ўзлаштиришади?
5. Г.Хофстеденинг маданият тамойилларидан бирини танланг ва ундан бозорни сегментлаштиришда қандай фойдаланиш мумкинлигини изоҳланг?

12-БОБ. МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА МАЪНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ

1. Чакана савдо сохасидаги маркетинг стратегиялари.
2. Самарали инфраструктура
3. Маркетинг ахборот стратегиялари ва чакана савдо.

1. Чакана савдо сохасидаги маркетинг стратегиялари

Рақобатли муҳитга асосланган бозор муносабатлари шароитида чакана савдо корхоналарининг амалий фаолиятида маркетинег стратегияларидан фойдаланиш муҳим ахамиятга эга булади. Бунда чакана савдо сохасидаги илғор харижий фирмалар, компанияларнинг тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиздаги чакана савдо корхоналари амалиётига тадбиқ этиш долзарб масалалардан хисобланади. Жумладан, Deloitte & Touche улгуржи- чакана савдо компанияси менежери харрис Гордоннинг таъкидлашича, АКШларида 1970 ва 1980 йилларда чакана савдо учун кучли ривожланиш даври булган. XX асрнинг 70-йиллари бошларида чакана савдо дуконларининг жами майдони ахоли жон бошига 8 квадрат футдан 80-йиллар охирига бориб 18 квадрат футгача етган. Дуконларнинг майдони амалда икки баравар ошишига карамай, хар бир квадрат футга тўғри келадиган сотиш хажми 190$ дан 160$ гача камайган. Бунинг сабабларидан бири бўлиб курилишнинг кескин усиб бориши, ахолининг секин усиши, шахсий даромадлар даражасининг камайишидир. Харидорларнинг дуконда сарфлайдиган вақтлари ойига 12 соатдан 4 соатгача камайган ва улар шу вақтнинг узида илгаригига ухшаб 7 дуконга эмас, балки 3,5 та дуконга ташриф буюришган.

Бу холатнинг изохи кейинги ун йилликлардаушбу сохада етакчилик килаётган куйидаги учта асосий тенденцияга боглик бўлган:

-бозор ахбороти маданиятини шакллантириш;

-холатнинг узгаришига тез мослашувга фирмаларнинг ривожланиши;

-кам харажатли инфраструктурани яратиш.

@TDIU_ARM

Чакана савдонинг амалий тадқиқотларга асосланган узгараётган дунёдаги истеъмолчиларнинг хулк-атворига мослашуви харидорнинг кандай қарор кабул килишига богликдир.

Бунда истеъмолчи чакана сотувчини танлашида кандай асосда уз қарорларини кабул килиши ва бу қарорларнинг маркетинг стратегиясига кандай килиб таъсир этиши муҳим масала хисобланади. Ушбу масалалар «бозорни кабул килиш маданиятининг» асосий элементлари хисобланади.

Чакана савдони истеъмолчилар тўғрисидаги фан учун сунгги синов хам хисобланади.Чакана савдо ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф этилган товарлар самарали саклаши, бахолаши, сотиши ва харидорларга сифатла хамда Юқори даражадаги хизмат кўрсатиши натижасида пировард натижаларга эришиши мумкин булади.

Чакана садво сотувчиси товарни истеъмолчи учун киска муддатларда вакулай бахоларда таклиф эта олмаса Юқори сифатда ишлаб чикарилган хамда реклама килинган товарнинг киймати хам булмайди. Ушбу масаланинг ижобий хал этилганлигини The Gap фирмаси мисолида куриб чиқиш мумкин.

The Gap фирмаси 2 мрлд.$ миқдорида сотиш хажмига эришган ва унинг мингдан ортик дуконларининг даромадлилиги ўртача 25% ни ташкил этди.The Gap компанияси дастлаб оддий дуконлардан иборат бўлганбулса, хозир эса Юқори махоратга эга бўлганрахбарлари бўлганва уз истеъмолчиларини тушунадиган компания хисобланади.Фирма таклиф этаётган товарларнинг сифатига катъий талаблар куяди ва сохта товарлар билан умуман иш олиб бормайди.

The Gap компаниясининг 47 ёшли директори Микки Дрекслер бир неча йил ичида сотиш хажмини уч баравар, фойдани эса олти бараварга оширишга муваффак булган.

The Gap фирмасини Америкадаги илгор кийимлар дуконлари тармогига айлантирган.Бошка купчилик фирмалар зарар билан ишлашганда The Gap фирмаси ва унинг Gap Kids ва Banana Republik филиалларининг сотиш хажми 2,5 млрд. долларга ошди, рентабеллиги эса ўртача 43% га ошди.Бу

муваффакиятларнинг сабаби сифатида Микки Дрекслер «Стиль, сифат, макбул бахо» шиорини олган.

The Gap фирмаси Юқори технологияга эга бўлиб уз ичига 1200 дуконни олади ва бу дуконларга доимо янги товарларни етказиб беради. The Gap нинг образи кенг куламли реклама оркали ушлаб турилади ва турли ёш хамда тоифадаги истеъмолчилар томонидан ижобий кабул килинади.

The Gap-купчилик муаммолар ва каттик рақобат билан тукнашаётган чакана савдо корхоналаридан бири хисобланади.Бундан ташкари муваффакиятли фаолият юритаётган The Limited, Wal - Mart, Irea, Dillars, Nordstrom, Home Depot, Circuit City ва Disney Store ва бошка Америка чакана савдо фирмаларини мисол килиб келтириш мумкин. Одатда чакана савдо компаниялари уз муваффакиятларини яхши менежмент билан хамда муваффакиятсизликларини маъмурият назоратига боглик булмаган муаммолар билан боглайдилар. Хар кандай даврда хам хар бир чакана савдо корхонаси тоифасида (махсус ассортиментдаги дуконлар, нархи туширилган товарлар дукони, универмаглар) хам бошка чакана савдо корхоналари фаолияти булишига карамай яхши натижаларга эришаётган корхоналар мавжуд булади.

Хорижий фирмаларда истеъмолчилар хулк-атворини ва маркетингни, сотиш хамда чакана савдо бўйича мутахассисларга катта талаб мавжуддир. Истикболли иш ўринлари купинча ишлаб чиқаришда эмас балки савдо сохасида таклиф этилади.

АКШ даги куплаб чакана савдо тармоклари рахбарлари йирик мулкдорлар хисобланадилар. Масалан, Wal - Mart чакана савдо компанияси асосчиси Сэм Уолтоннинг шахсий сармояси 10 млрд доллардан Юқори бўлганва The Limited компанияси бошлиги Леса Векснер 2 млрд. доллар шахсий сармоя билан миллиардерлар рўйхатига тушган.

Фаолият йуналиши ишлаб чиқариш билан боглик булишига карамай, чакана савдо тамойилларини ва таксимот каналларини харакатини билиш хизмат вазифаси бўйича юқорига кўтарилишида катта ахамиятга эгадир.

@IDU_ARM

Кўпинча маркетинг бюджетлари оммавий ахборот воситаларидаги рекламага эмас, балки сотишни рагбатлантириш бўйича дастурларга сарфланмокда. Бу холат чакана сотувчиларни тўғридан-тўғри ёки билвосита уз товарларини тўғри жойлаштириш имконини бермокда.

Йирик чакана савдо фирмаларининг бозордаги салмогининг усиши билан уларнинг уз хукмронлигининг утказиш кобилияти ошиб боради. Агар тадбиркор томонидан чакана савдо тамойиллари тушунилмаса унинг истеъмол билан боглик бўлганиқтисодиёт сохаларида муваффакиятга эришиши анча кийин булади.

Самарали стратегияларни ишлаб чиқишда муносабатлар маркетингининг ахамияти ғоят катта бўлиб, унинг муҳим таркибий кисмларидан бири бўлиб истеъмолчилар билан мустахкам алоқалар хисобланади. Бундай мустахкам алоқаларни урнатишга товар ва хизматлар сотувчилари доимо интилиб боришади. Чакана савдодаги истеъмолчилар билан муносабатларда таксимот каналлари ичидаги узаро муносабатлардаги узгаришларини хамда ушбу сохада ишончли муносабатларни урнатиш методларини тушуниб етиш ғоят муҳимдир.

Хозирги пайтдаги ишлаб чиқарувчилар ва чакана савдо ўртасидаги истеъмолчиларга таъсир утказиш борасидаги бораётган кескин кўрашнинг мохияти, таксимот каналлари субъектларидан бирининг ушбу таксимот каналлардаги бошка элементларнинг харакатига таъсир этишдан иборатдир.Бундай кўрашда купинча чакана савдо устунликка эришади.

Таксимот каналлари субъектлари ўртасидаги таъсир этиш учун кўраш куп вақтлардан бери мавжудддир. АКШларида мустақиллик учун бўлганурушдан сунг сотувчиларнинг яъни, замонавий улгуржи савдогарларнинг олдинги авлодларининг асри бошланди. Ишлаб чиқарувчиларни топа олган ва товарларни марказлашмаган, майда чакана сотувчиларга етказиб бера олган улгуржи корхоналаргина бой ва катта таъсиркучига эга булишган. Товарларни кайта таксимлашнинг маркази бўлиб, купинча улгуржи савдо хисобланган. АКШда таъсир кучи ишлаб чиқарувчиларга утди хамда улар уз позицияларини биринчи жахон урушидан кейин хам саклаб колдилар ва бу позицияларни якин пайтларгача хам ушлаб колдилар.

Оммавий савдо бўйича йирик фирмаларнинг пайдо булиши билан чакана савдо ташаббусни уз кулига ола бошлади. Таркибига 10 дан ортик бир хил типдаги корхоналар (масалан, дуконлар, ресторанлар ёки мехмонхоналар) кирган занжир фирмалари пайдо була бошлади. The Limited, Wal-Mart, Toys «R» US каби кудратли чакана занжир фирмалари ўз таъсирларини утказа бошлашди ва бу холат билан ишлаб чиқарувчилар ва улгуржи сотувчилар муроса кила бошлашди. Уз истеъмолчилари ва товар етказиб берувчиларини билиш чакана савдога факатгина товарларга йирик хажмда буюртма бериш эмас,балки товар етказиб берувчиларга товарларнинг микдорий ва сифат тавсифномаларини, уларнинг маркалари, етказиб бериш муддатларини ва х.к.ларни буюртма бериш имконини бермокда.

Етакчи чакана сотувчиларнинг инфраструктураси ривожлана боргани сари, улар янада самарали булмокдалар ва уларнинг ички кучи тупланиб бормокда.агар илгари айрим занжир фирмалари харидлар сохасида етарли даражада мустақил сиёсат юритишган булсалар, хозир эса Fedetated, Macy’s ва May каби илгор, йирик чакана савдо корхоналари марказлашган харидларни амалга оширишмокда хамда уз дуконларига таксимлашмокда. Сотишни рагбатлантириш бўйича дастур хам ягона булди ва барча корхоналар маълумотлар базасининг ягона тизимига уланишган хамда логистиканинг комплекс дастурлари устунликларидан фойдаланишмокда.

